

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Fil.01.10 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

САДУЛЛАЕВА НИЛУФАР АЗИМОВНА

ЎЗБЕК ВА ИНГЛИЗ ТИЛЛАРИДА ЙИҒИҚЛИК ВА ЁЙИҚЛИК
ҲОСИЛАСИ

10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик ва таржимашунослик

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2020

**Филология фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати
мундарижаси**

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (DSc)

Contents of the abstract of dissertation on doctor of philosophy (DSc)

Садуллаева Нилуфар Азимовна

Ўзбек ва инглиз тилларида йиғиқлик ва ёйиқлик ҳосиласи..... 3

Садуллаева Нилуфар Азимовна

Нераспространенные и распространенные синтаксические явления
в узбекском и английском языках..... 31

Sadullaeva Nilufar Azimovna

Unextended and extended phenomena in the Uzbek and English
languages..... 63

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 68

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Fil.01.10 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

САДУЛЛАЕВА НИЛУФАР АЗИМОВНА

ЎЗБЕК ВА ИНГЛИЗ ТИЛЛАРИДА ЙИҒИҚЛИК ВА ЁЙИҚЛИК
ҲОСИЛАСИ

10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик ва таржимашунослик

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2020

**Филология фанлари доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.1.DSc/Fil44
рақам билан рўйхатга олинган**

Диссертация Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз, рус (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси www.nuu.uz ҳамда «Ziynet» ахборот-таълим портали www.ziynet.uz манзилига жойлаштирилган

Илмий маслаҳатчи:

Сайфуллаева Раъно Рауфовна, профессор
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Сафаров Шахриёр Сафарович
филология фанлари доктори, профессор

Менглиев Бахтиёр Ражабович
филология фанлари доктори, профессор

Айнур Ўз Ўзжан
филология фанлари доктори, Анқара университети
профессори

Етакчи ташкилот:

Бухоро давлат университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.Fil.01.10 рақамли Илмий кенгашининг «__»_____2020 йил соат__ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Талабалар шаҳарчаси, Университет кўчаси 4- уй, Тел.: +998 71 246-02-24; +998 71 246-54-17; e-mail: devonxona@nuu.uz

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (__ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: Тошкент шаҳри, Талабалар шаҳарчаси, Университет кўчаси 4-уй, Тел.: +998 71 246-02-24;

Диссертация автореферати 2020 йил «__» _____ куни тарқатилди.

(2020 йил «__» _____ даги ____ рақамли реестр баённомаси).

А.Г.Шереметьева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, филол. ф.д., профессор

Г.С.Курбонова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

И.А.Сиддиқова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филол. ф.д., профессор

КИРИШ (ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АННОТАЦИЯСИ)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Ҳозирда жаҳон тилшунослик фанининг ривожланиши инсон ва тилнинг ўзаро узвий алоқадорлигини тадқиқ қилиш йўлидан бормоқда. Тил ва жамият ўртасидаги муносабат, тилнинг пайдо бўлиши, ривожланиши ҳамда амалда қўлланилиши, тилнинг ижтимоий вазифалари, унинг ривожланиши ва кенгайиши каби қатор масалалар жаҳон тилшунослигида долзарб ҳисобланади. Ҳозирги пайтда жаҳон ва ўзбек тилшунослигида гап синтаксиси масалаларининг тадқиқ этилиши муҳим аҳамият касб этадиган муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Сўнгги йилларда миллий тилимизни чуқур ўрганиш, уни хорижий тиллар билан қиёсан таҳлил қилиш натижасида уларнинг фарқли ва ўхшаш томонларини очиш, тадқиқ этиш имконияти вужудга келган, бу эса, ўз навбатида, таржимашуносликка оид муаммоларни ҳал қилишда ижобий натижа беради.

Дунё тилшунослигида тилларни тадқиқ қилишда фундаментал ишлар амалга оширилмоқда. Табиийки, бу тилларни замонавий тилшунослик йўналишларига таянган ҳолда кўриб чиқиш билан бир қаторда, формал, систем-структур усуллар ёрдамида тадқиқ қилиш ҳар доим назарий ва амалий аҳамиятга эга бўлган натижани беради. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек: “Бизнинг ёшлар, албатта, бошқа тилни билиш учун саъй-ҳаракат қилсинлар, лекин аввал ўз она тилини кўзларига тўтиё қилиб, эҳтиром кўрсатсинлар. Зеро, ўз тилига садоқат – бу ватаний ишдир”.¹

Маълумки, йиғиқ ва тўлиқсиз гаплар тадқиқи қиёсланаётган тилларнинг бирида кам, бошқасида кўпроқ тадқиқ этилган ва ёритилган. Ишимизда бу икки бирликнинг ўзига хос турлари, ўзаро муносабати, бошқа ҳодисалар билан алоқаси очиб берилган. Тўлиқсиз гапнинг ўзбек тилида қайд этилган ва ҳозиргача ишлаётган таърифида ноаниқликларнинг мавжудлиги кўрсатилган. Инглиз олимлари томонидан бу ҳодисанинг эллипсисга тенглиги маъқулланган ва далилланган бўлса-да, аммо бу ҳосиланинг ҳанузгача моҳиятан тўғри ечими берилмаган. Худди шу ҳол ўзбек тилшунослигида ҳам мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сонли «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори, 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сонли “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 2019 йил 17 июндаги ПҚ-4358-сонли “2019-2023 йилларда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон

¹ Президент Шавкат Мирзиёевнинг ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганининг ўттиз йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи//Ўзбекистон овози газетаси. 21.10.2019; <https://uza.uz>

миллий университетда талаб юкори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ва бошқа ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларда белгилаб берилган вазифаларни амалга оширишда ушбу тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар тараққиётининг I. «Ахборотлаштирилган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи.¹

Инглиз тилида эллипсис ҳодисаси, унинг структур-функционал типлари, бошқа тиллар билан қиёсий ўрганилишига оид тадқиқотлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, Oxford University (Буюк Британия), Cambridge University (Буюк Британия), University of London (Буюк Британия), Newcastle University (Буюк Британия), Essex University (Буюк Британия), University of California (АҚШ), Гуманитарный университет (Россия), Ростовский институт иностранных языков (Россия), Бошқирдистон давлат университети (Россия), Москва давлат университети (Россия), Москва давлат лингвистика университети (Россия), Тожик давлат педагогика университети (Тожикистон), Тожик давлат университети (Тожикистон), шунингдек, Ўзбекистон миллий университети, Ўзбекистон жаҳон тиллари университети, Самарқанд давлат чет тиллар институти каби олий таълим муассасалари ва илмий марказларида олиб борилмоқда.

Турли тизимли тилларда қиёсан ўрганилаётган синтаксисга оид масалалар, жумладан, содда ва қўшма гаплар турлари, уларнинг хусусиятлари ва таснифларига бағишланган тадқиқотлар юзасидан University of Toronto (Канада), University of Warsaw (Польша), University of Hamburg (Германия), Montclair State University (АҚШ), Centre for General Linguistics Typology and Universals Research (Буюк Британия), Boston University (Буюк Британия), Lancaster university (Буюк Британия), George Washington University (АҚШ), Ўзбекистон миллий университети, Ўзбекистон жаҳон тиллари университети, Самарқанд давлат чет тиллар институти, Самарқанд давлат университети ва Бухоро давлат университети каби олий таълим муассасалари ва илмий марказлар шуғулланмоқда.

Муаммонинг ўрганилганлиги даражаси. Тадқиқотда қўйилган муаммоларга кўпгина хорижий лингвистлар эътибор беришган. Масалан, Ш.Балли, Ж.Дамурет ва Е.Пишон, А.Фрей, Р.Ле Бидуа, Ж.О.Рис, М.Фишер ва Ж.Акар, М.Гревисс, А.Гус, Е.Д.Андреева, А.П.Сковородников, И.Ф.Вардуль,

¹ Шарҳ университетларнинг веб-сайтларидаги маълумотлар асосида тақдим этилди: www.ox.ac.uk., www.cam.ac.uk., www.london.ac.uk., www.ncl.ac.uk., www.essex.ac.uk., www.cui.edu., www.rostov.uceba.ru., www.gu-ural.ru., www.bashedu.ru., www.msu.ru., www.linguanet.ru., www.elsu.ru., www.utoronto.ca., <http://en.uw.edu.pl>., www.uni-hamburg.de., www.montclair.edu., www.slaviclinguistics.org., www.combeyond.bu.edu.

Л.И.Илия, Е.Н.Старикова, Е.И.Шендельс, А.С.Дари, К.И.Баймухаметова, О.И.Реунова.¹ Содда гаплар, жумладан, йиғиқ ва тўликсиз гапларнинг тахлилини К.Н.Качалова, И.Р.Крылова, Е.М.Гордон, Ж.Бўронов, Ў.Хошимов, В.Н.Жигадло, И.П.Иванова, Л.Л.Иофик, М.А.Беляева, В.Г.Вилюман, М.Я.Блох, В.Л.Каушанская, Z.S.Harris, Б.А.Ильиш, В.А.Кобрина, А.И.Смирницкий, И.В.Арнольд, И.Р.Гальперин, Н.А.Слюсарева, А.Г.Руднев, А.Н.Гвоздев, В.Т.Гневко, Е.А.Cross, D.Davies, G.Leech, J.Svartvik, R.Huddleston, P.A.Lowth, L.A.Lyurme, M.Hewings, P.H.Matthews, R.Murphy va R.L.Trask, Э.Сепир², А.Ф.Фуломов, Ф.Абдурахмонов, А.Г.Руднев, А.Бабаева, Ў.К.Юсупов, В.Т.Гневко, Ф.С.Убаева, Ҳ.Г.Неъматов, И.К.Мирзаев, Р.Расулов, Р.Р.Сайфуллаева, Б.Р.Менглиев, М.К.Абузалова, М.М.Қурбонова, Л.Р.Раупова, Б.Ёров³ каби олимларнинг ишларида кузатиш мумкин.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Ўзбекистон Миллий университети илмий тадқиқот ишлари режасининг «Турли тизимдаги тилларнинг лисоний ва типологик хусусиятлари» мавзуидаги илмий лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ўзбек ва инглиз тилларида ёйиқлик ва йиғиқлик ҳосилаларининг семантик-структур хусусиятлари, бошқа ходисалар билан муносабати, улардан фарқли томонлари, дискурсдаги ўрни, муаллиф интенциясини ифодалашдаги мавқеини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

турли тизимли тилларда ёйиқлик ва йиғиқлик ҳосилаларини умумлингвистик ҳосила сифатида тавсифлаш;

¹ Шендельс Е.И. Имплицитность в грамматике. -М.: Изд-во МГГЖИЯ, 1977. -210с.; Дари А.С. Импликация, эллипсис и другие смежные явления. -Кишинев: Штиинца, 1986. -63с.; Баймухаметова К.И. Структурно-семантические и прагматические характеристики эллипсиса во французском языке: Автореф. дис...канд.филол.наук. -М.: 1997. 29с.; Реунова О.И. Эллипсис как лингвистическое явление. -Л.: ПГЛУ, 2000. -160с.; Качалова К.Н., Израилевич Е.Е. Практическая грамматика английского языка. -Киев: 2003. -363с.

² Humboldt W. On Language: On the Diversity of Human Language Construction and its Influence on the Mental Development of the Human Species / Losonsky M. Ed. -Cambridge, UK: Cambridge University Press, 1999; Жигадло В.Н., Иванова И.П., Иофик Д.Л. Современный английский язык. Теоретический курс грамматики. - М.: Изд. Лит. на иностр. яз., 1956. -349 с.; Harris Z.S. String Analysis of Sentence Structure. -М.: 1962. -629р.; Бўронов Ж., Хошимов Ў. Инглиз тили грамматикаси. -Т.: Ўқитувчи, 1974. 351б.; Беляева М.А. Грамматика английского языка. -М.: Высшая школа, 1971. 319с.; Вилюман В.Г. Английский язык. Изд.2. -Л.: Просвещение, 1981. -472с.; Крылова И.П., Гордон Е.М. Грамматика современного английского языка. 2003. - 448 с.; Блох М. Я. Теоретическая грамматика английского языка. - М.: Высшая школа, 1983. -383с.; Блох М.Я. Теоретическая основа грамматики. -М.: «Высшая школа», 2002. -160с.; Юсупов У.К. Теоретические основы сопоставительной лингвистики. -Т.: Фан, 2007. -126с.

³Фуломов А., Маъруфов З., Шермухамедов Т. Ўзбек тили грамматикаси. 2-қисм. Синтаксис. -Т.: Ўқувпедавнашр, 1948. -62б.; Қурбонова М.М. Ўзбек тилшунослигида формал-функционал йўналиш ва содда гап қурилишининг талқини. Филол. фанлари доктори ...дисс. -Т.: 2001. -60б.; Фуломов А. Содда гап. -Т.: ЎзФА, 1955. -100б.; Абдурахмонов Ф. Ўзбек тили грамматикаси. 1996. -221б.; Руднев А.Г. Синтаксис простого предложения. -М.: 1960. -197с.; Раупова Л. Диалогик дискурсдаги полипредикатив бирликларнинг социопрагматик тадқиқи: филол.фанлари доктори...дисс.автореф. -Т.: 2012. -62б.; Бобоева А. Ҳозирги ўзбек адабий тилида тўликсиз гаплар. -Т.: Фан. 1978. -102б.; Гневко В.Т., Кравченко З.Ф., Хмелевская Е.С. Современный русский язык. Односоставные предложения. Слова-предложения. Неполные предложения. Простое осложненное предложение. -Минск: 1975. -144с.; Юсупов Ў.К. Инглиз грамматикасидан универсал қўлланма. -Т.: 2011. -247б.; Убаева Ф.С. Ҳозирги замон ўзбек адабий тилида гапнинг уюшиқ бош бўлақлари. Филол. фанлари номзоди ...дисс. - С.: 1959. -154б.; Қурбонова М.М., Сайфуллаева Р. Ўзбек тилининг структурал синтаксиси. -Т.: Маънавият, 2004. -260б.; Сайфуллаева Р., Менглиев Б. ва б. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Синтаксис. -Т.: ЎЗМУ, 2006. -171б.

йиғиқ ва ёйиқ ҳосилаларнинг семантик-структур ва функционал хусусиятларини очиб бериш;

ўзбек ва инглиз тилларида йиғиқ ва тўлиқсиз гапларнинг ўхшаш ва фарқли томонларини белгилаш;

матн категорияларини боғлашда, унинг узлуксизлигини таъминлашда йиғиқ ва тўлиқсиз гапларнинг публицистик ва бадий дискурслардаги мавқеини аниқлаш;

йиғиқ ва тўлиқсиз гапларнинг ифодаланиш воситалари захирасини белгилаш ва фарқли жиҳатларини далиллаш;

йиғиқ ва тўлиқсиз гапларнинг насрий асарларда қўлланилишидаги стилистик хусусиятларини ажратиш;

йиғиқ ва тўлиқсиз гапларнинг назмий асарларда қўлланилишида намоён бўладиган такрор, экспрессивлик ва кетма-кетлик хислатларини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида ўзбек (А.Ғ.Ғуломов, Ғ.Абдурахмонов, А.Ғ.Руднев, А.Бабаева, Р.Р.Сайфуллаева, М.К.Абузалова ва бошқалар) ва инглиз (О.И.Реунова, К.Н.Качалова, Ж.Бўронов, В.Н.Жигадло, И.П.Иванова, Л.Л.Иофик, М.А.Беляева, В.Г.Вилюман, М.Я.Блох, В.Л.Каушанская, Z.S.Harris, Б.А.Ильиш, В.А.Кобрин) тилшуносларининг асарларида берилган ёйиқлик ҳамда йиғиқлик ҳосилалари танланган.

Тадқиқот предмети ўзбек ва инглиз тилларидаги йиғиқ ҳамда тўлиқсиз гапларнинг семантик-структур, стилистик ва функционал хусусиятларидан иборат.

Тадқиқот усуллари. Диссертацияда чоғиштириш, таснифлаш, тавсифлаш, қиёслаш, дифференциал-семантик ва компонент таҳлил методларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ёйиқ ва йиғиқ ҳосилалар турли тизимли тилларда умумлингвистик ҳодиса эканлиги тавсифланган;

ўзбек ва инглиз тилларида йиғиқ, ёйиқ ва тўлиқсиз бирликларнинг субстанциал моҳияти қиёсланган;

қиёсланаётган тилларда ёйиқлик ва йиғиқликнинг семантик категориялар билан муносабати, уларнинг тузилиши ва гап лисоний қолипи каби семантик-структур хусусиятлари аниқланган, йиғиқ гапнинг лисоний ҳодиса, тўлиқсиз гапнинг эса нутқий жараён эканлиги ўзбек ва инглиз тилидаги поэтик, диалогик ва публицистик мисоллар асосида далилланган;

йиғиқ ва тўлиқсиз бирликларнинг тузилиши, гапдаги вазифаси, шакли ва ясалиши, турли сўз туркумлари билан ифодаланиши каби структур хусусиятлари ўхшаш эканлиги исботланган.

анъанавий ва субстанциал тилшуносликда йиғиқ ва тўлиқсиз гаплар гап лисоний қолипларининг фарқланиши ўзбек тилидаги насрий ва назмий асарлардан олинган мисоллар билан исботланган.

ўзбек субстанциал тилшунослигида берилган йиғиқ ва тўлиқсиз гаплар инглиз тилшунослигида берилган бу бирликлардан структур жиҳатдан фарқланиши аниқланган.

йиғиқ ва ёйиқ ҳосилаларнинг ҳар икки тиллардаги шакли, ясалиши,

вазифаси ва моҳияти каби субстанциал хусусиятлари асосланган;

бадий матнларга таҳлилий ёндашув, йиғиқ ва ёйиқ ҳосилаларнинг матнларда, хусусан, публицистик ва бадий дискурсларда қўлланилишини таҳлил этиш, йиғиқ ва тўлиқсиз гапларнинг стилистик хусусиятларини аниқлаш бўйича таржима жараёнида зарур тавсиялар ишлаб чиқилган.

Йиғиқ ва тўлиқсиз бирликларнинг матн ҳосил қилишдаги ўрни ва мавқеи, уларнинг дискурсив-прагматик, интертекстуаллик хусусиятлари ҳамда матн мазмуни шаклланиши асосида муаллифнинг интенцияси ва имкониятлари очиб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Ўзбек ва инглиз тилларида мавжуд бўлган синтактик тузилмалар матн таҳлили ва талқинида муҳим ўрин эгаллаши ишлаб чиқилган. Унинг моҳиятан ўхшаш ва фарқли томонларини аниқлаш, икки тилнинг ўзига хос жиҳатларини фарқлаш тамойиллари ишлаб чиқилган, йиғиқ ва тўлиқсиз гапларнинг тадқиқи масаласида ўрганилиши лозим бўлган муаммоларнинг тадқиқи қайд этилган. Тадқиқ этилаётган икки тилдаги бу бирликларнинг матн таркибида қўлланилиши, уларнинг мавқеи, муаллифнинг интенциясини амалга оширишда ўзига хос ўрни кўрсатилган. Ушбу икки ҳодисанинг ҳар хил тизимли тилларда қўлланилиши масаласининг ўзига хос хусусиятлари очиб берилган. Қўшма гап бобида уларнинг ишлатилиши, ҳар икки тилнинг турли, ҳали ўрганилиши лозим бўлган хусусиятлари мавжудлиги кўрсатилган.

Диссертация материаллари таҳлилида қўлланилган усуллар, эришилган натижалар ва хулосалар шу бирликларнинг вазифавий ҳамда семантик таркибини ўрганишда матн лингвистикаси, дискурсив таҳлил, прагмалингвистикага оид тадқиқотларни бажариш жараёнида алоҳида ўрин эгаллаши мумкин.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги муаммонинг тўғри қўйилганлиги, тадқиқ этилган бирликларнинг моҳиятан ўхшаш ва фарқли томонлари, икки тилнинг ўзига хос хусусиятлари очиб берилган ҳамда назарий маълумотлар расмий манбалардан олинганлиги, инглиз ва ўзбек тилидаги илмий ва бадий адабиётлар, изоҳли луғатлардан фойдаланилгани, тадқиқотда фикрлар замонавий усуллар ёрдамида далилланганлиги, тавсиялар амалиётга татбиқ этилгани, зарур тадқиқот методлари ва ёндашувлар қўлланилганлиги, ўқув-методик ишланмалар яратилганлиги ҳамда уларнинг репрезентативлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг илмий аҳамияти ўзбек ва инглиз тилларидаги бирликларнинг моҳияти, таърифи, таснифларини ёритиш, шунингдек, уларнинг ўзига хос ва фарқли томонларини очиб беришдан иборат. Шу бирликларнинг ҳар бири матн типлари, диалогларда қўлланилиши, синтактик ҳосилалар таркибида келиши, турли семантик маънони ифодалай олиши, муаллифлар мақсадлари акс этишидаги мавқеи ва ўрнини очишда хизмат қилади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундаки, турли тизимли тилларда қиёсланаётган бирликларнинг таҳлили грамматика, матн лингвистикаси, таржимашунослик, қиёсий тилшунослик, прагматика каби соҳалар бўйича

назарий манбалар, ўқув қўлланма, дарсликлар яратиш ва уларни такомиллаштиришда, инглиз ва ўзбек тилларидаги ўхшаш ҳамда фарқли хусусиятларни очишда манба бўлиб хизмат қилади. Шунингдек, бу тилларнинг ўзига хос хусусиятлари таълим олаётганларга ўз фикрларини тўғри, тушунарли ва таъсирчан шаклда ифодалашда ёрдам беради. Матнлар таржимаси телерадиокомпания дастурларида ишлатилиши мумкин ва синхрон таржима жараёнларида қўл келади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбек ва инглиз тилларидаги йиғиқ, ёйиқ, тўлиқсиз бирликларнинг хусусиятлари бўйича ишлаб чиқилган услубий ва амалий таклифлар асосида:

бакалавриат таълим йўналишида (5120100-Филология ва тилларни ўқитиш (ўзбек тили)) ўзбек тили фани бўйича узвийлашган давлат таълим стандарти мазмунига сингдирилган (О'zStandart давлат агентлигида 2017 йил 10 октябрда О'zDSt 36.1542:2014№ 5164 қайд рақами билан рўйхатга олинган). Жорий этилган материаллар ўзбек тилида йиғиқлик ва ёйиқлик ҳосилалари, уларнинг ўзаро муносабатини ёритишга, матнни ташкил қилишда, муаллиф интенциясини шакллантиришда, бу бирликларнинг қахрамон образларини тасвирлашда инглиз тилида қўлланганлари билан қиёсини очиб беришга хизмат қилади;

бакалавриат таълим йўналишида (5111400-Хорижий тил ва адабиёти (инглиз тили)) лексикология, грамматика, стилистика, қиёсий тилшунослик, таржима назарияси фанлари бўйича узвийлашган Давлат таълим стандарти мазмунига сингдирилган (О'zStandart давлат агентлигида 2017 йил 24 августда О'zDSt 36.1542:2014№ 603 қайд рақами билан рўйхатга олинган). Жорий этилган материаллар турли тизимли тилларда гапнинг келтирилган кўринишлари қиёсан таҳлил қилиш, оғзаки ва ёзма нутқни тўғри тузиш, матн таржималарини аниқ бериш, услубий хусусиятларини ёритиш каби муаммоларни ҳал этишда хизмат қилган;

замонавий тилшуносликнинг асосий тушунча ва тамойилларидан, ёйиқ, йиғиқ ва тўлиқсиз гаплар таснифига оид назарий хулосаларидан “Zamonaviy o'zbek tili. Sintaksis” (2013) номли ва “Hozirgi Uzbek tili” (2020) дарсликларида фойдаланиш орқали амалиётга жорий қилинган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 5 июндаги 89-03-1931-сонли маълумотномаси). Натижада бу дарсликлар бадиий матнда билим тузилмалари ҳамда стилистик ва синтактик жараёнларнинг акс этиши, тил ва нутқ бирликларини замонавий тилшуносликнинг парадигматик тамойиллар асосида таҳлил этиш, тил тараққиётида унинг ўзига хос хусусиятларини қиёсий-типологик жиҳатдан ўрганиш, ўзбек тилида содда гапларнинг умумлисоний хусусиятлари, шу уч бирликнинг ўзига хос тенденция ва қонуниятлари каби аспектларни ўз ичига олган;

инглиз тилида гап, унинг тузилиши, хусусиятларини ўрганиш ва ўзбек тилидаги бу категориянинг қиёсий таҳлили таълимнинг ҳамма босқичларида муҳимлиги бўйича амалий хулосалар 2017-2020 йилларда Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси “O'zbekiston” телерадиоканалида маданий-маърифий мавзудаги “Бедорлик” дастурида ҳамда “Адабий жараён”, “Таълим ва

таракқиёт”, “Ҳамроҳ” эшиттиришларини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг “O’zbekiston” телерадиоканали давлат унитар корхонасининг 2020 йил 20 март OZ-RK-15-70-сон маълумотномаси). Эшиттириш учун тайёрланган материаллар қиёсланаётган бирликларнинг ўзига хос хусусиятлари, ўхшаш ва фарқли томонлари таҳлили ҳар икки тиллар грамматикаси, амалий грамматикаси, қиёсий тилшунослик, таржимашунослик каби фанлар учун манба бўлиб хизмат қилган.

замонавий тилшуносликнинг асосий тушунча ва тамойиллари, таҳлил методлари, прагматик стилистика назарий ва амалий асослари, дискурда ахборот бериш назариясининг илмий моҳияти, бадиий матнда билим тузилмалари ҳамда стилистик ва синтактик жараёнларнинг акс этиши, ҳозирги замон инглиз тили стилистикасининг назарий ва амалий аспектларининг тил ва нутқ бирликларини замонавий тилшуносликнинг парадигма тамойиллари асосида таҳлил этишга оид материаллардан 2017-2018 йилларда бажарилган ОТ-А1-018 рақамли “Ўзбек тили ва унинг таржимаси билан боғлиқ электрон ва банк-молия терминларининг кўп тилли лугатларини яратиш” ва 2012-2013 йилларда бажарилган ЁА-1-06-сонли “Профессионал таржимонларни тайёрлашда сифат назоратини ташкиллаштиришга компетент ёндашув” мавзусидаг амалий лойиҳаларда матнда грамматик ва лексик-семантик воситалари деривацион аспектининг назарий ҳамда амалий асосларини аниқлаш, тил таракқиётида унинг ўзига хос хусусиятларини қиёсий-типологик жиҳатдан ўрганишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 25 июндаги 89-03-1154-сонли маълумотномаси). Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан берилган «Ўзбекистон-Франция» дўстлик жамиятининг 56-01/10-сонли “Тарихий ёдгорликлар тарғиботида “Ўзбекистон зиёратгоҳлари” каталогининг (Беш тиллик) инновацион имкониятлари” грант доирасида яратилган “Pilgrimage places and sacred shrines in Uzbekistan” инглиз тилидаги каталог таржимасида фойдаланилган (26.05.20. 62-сон маълумотнома). Натижада синтактик бирликларни ўрганишнинг фанлараро характери, уларни тизимли таҳлил қилиш ва тавсифлашнинг структур-стилистик аспекти ҳақидаги материаллардан самарали фойдаланилган. Диссертацион тадқиқот натижаларининг жорий этилиши лойиҳа доирасида тузилган кўп тилли лугатлар, монография ва беш тилдаги каталогларнинг мазмунини бойитиш ва такомиллаштиришга хизмат қилган;

ҳозирги замон инглиз тили стилистикасининг назарий ва амалий аспекти, оғзаки ва ёзма нутқни тўғри тузиш, матн стилистикасини аниқ бериш, услубий хусусиятларни ёритиш каби муаммолар ечимига оид материаллардан Эрасмус + дастурининг 561574-EPP-1-2015-1-ES-EPPKA2-SVNE-JP - ECCUM: “Establishment of Computing Centers and Curriculum Development in Mathematical Engineering Master programme” грант лойиҳасида фойдаланилган (2020 йил 15 июндаги 06-136/3-сон маълумотнома).

Диссертацияда келтирилган анъанавий ва субстанциал тилшунослик назариялари, замонавий тилшуносликнинг асосий тушунча ва тамойиллари ҳамда таҳлил методлари, матнда грамматик ва лексик-семантик воситалари деривацион аспектининг назарий ҳамда амалий асосларидан лойиҳа доирасида профессор ўқитувчилар учун яратилган ва тадбиқ қилинган “Инглиз тили” курсини яратишда фойдаланилган.

Мавзуга оид тадқиқ этилган материаллар бўйича битта электрон дастур яратилди ҳамда унга муаллифлик гувоҳномаси олинган. (DGU 2020 1035)

Тадқиқот натижалари апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари жами 20 та илмий-амалий анжуман ва семинарларда, жумладан, 9 та халқаро миқёсдаги, 11 та республика илмий-амалий конференцияларда маъруза кўринишида баён этилган ҳамда апробациядан ўтказилган.

Туркиянинг Ниде Омар Халисдемир университети Фан ва адабиёт факультетида бўлиб ўтган семинарда “Ўзбек тилида йиғиқ, ёйиқ ва тўлиқсиз бирликлар” мавзуси бўйича маъруза қилинган (2019 йил 22 октябрь).

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 40 та илмий иш эълон қилинган бўлиб, шулардан 2 та монография, 1 та ўқув-услубий кўлланма, 2 та мақола Скопус базасидаги журналларда, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини эълон қилиш учун тавсия этилган нашрларда 15 та, шулардан 2 та мақола хорижий илмий журналларда (Озарбайжон, Македония) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўрт боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, унинг умумий ҳажми 229 бетни ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, диссертациянинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, унинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, эксперимент натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Йиғиқ, ёйиқ ва тўлиқсиз бирликларнинг ўрганилиши тарихи”** деб номланган биринчи бобда ўзбек ва инглиз тилшунослигида йиғиқ, ёйиқ ва тўлиқсиз нутқий тузилмаларнинг талқини, моҳияти ва табиати, бу бирликларнинг тадқиқ этилиши тарихи ўрганилди ҳамда уларга муносабат билдирилди. Дунё тилшунослиги ва туркийшуносликда систем-структур назариянинг шаклланиши билан боғлиқ қарашлар таҳлил қилинди.

Дастлаб ўзбек тилшунослигида бу бирликлар ўтган асрнинг 20-йилларида ўрганила бошланиб, синтаксис масалаларига эндигина аҳамият берила бошланган эди. А.Фитрат, Н.Саид, А.Йўлдошев, Ҳ.Ғозиев¹ каби олимлар томонидан тузилган дарсликлар шу даврга тўғри келади. Мазкур дарсликларда ўзбек тили синтаксис тизимини ёритиш учун зарур бўлган гап, содда гап, гап бўлаклари, эга, кесим, иккинчи даражали бўлақлар каби тушунчалар Европа тилшунослигидан ўзлаштирилган бўлса, А.Ғуломов томонидан 1940 йилда чоп этилган **“Ўзбек тили грамматикаси”** дарслигида бу масалалар кенг ёритилиб, ўзбек тили синтаксисининг назарий асослари шакллантирилди ва кейинги даврларда олимнинг касбдош ва издошлари, шогирдлари томонидан чуқур таҳлил этилди. Мустақиллик давригача шаклланган формал тилшуносликда тил синтактик қурилишида фақат гапнинг ташқи томонига аҳамият берилган, тилга ёйиқ тизим сифатида қаралган. Олимларимиз ўша давр учун замонавий ҳисобланган назария яратар эканлар, рус тили грамматик қурилишига мос қолиплардан келиб чиқиб, ўзбек тили тизими тадқиқига ёндашдилар. Грамматикага оид ҳар қандай ўқув қўлланма, дарслик ёки илмий тадқиқотларни олмайлик, уларда ҳам таҳлил Европа ва рус тиллари грамматикаларида бўлгани каби, [S←P] моделига асосланганлиги кўриниб турибди. Шу аснода, М.Қурбонова қайд этганидек, **“...анъанавий синтаксисда гапнинг бир ва икки таркиблилиги, асосан содда гап материали асосида ўрганилади.”**²

Йиғиқ гап атамасини ўзбек тилшунослигига А.Ғуломов киритиб, унга мукамал таъриф берган. Буни биз олимнинг қуйидаги фикрларидан билишимиз мумкин: **“Синтаксис асосида гап ҳақида таълимот ётади”**³, **“Сўзларнинг предикатив муносабати, одатда, гапни ҳосил қилади. Предикатив боғланиш – эга ва кесим муносабати гапнинг ядросидир”**⁴.

¹Саид Н., Йўлдошев А. Грамматика. 2-қисм. Наҳв, ўрта мактаблар учун дарслик. –Т.: Ўздавнашр, 1936; Ғозиев Ҳ. Ўзбек тили грамматикаси. 2-бўлим. Синтаксис. Тўлиқсиз ўрта ва ўрта мактаблар учун дарслик. –Т.: Ўзпеднашр, 1940; Фитрат А. Наҳв. 2-китоб. –Т.: Ўздавнашр, 1930.

²Қурбонова М.М. Ўзбек тилшунослигида формал-функционал йўналиш ва содда гап қурилишининг талқини. Филол. фанлари доктори ...дисс. –Т.: 2001. – Б.10


³Ғуломов А. Содда гап. –Т.: ЎзФА, 1955. –Б.49

⁴Ғуломов А., Асқарова М. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Синтаксис. –Т.: Ўқитувчи, 1967. –Б.67

Юкорида қайд этилган фикрлар ўзбек тили академграмматикалари, олий ўқув юртлари учун нашр этилган дарсликларда ҳам мавжуд. Формал тилшуносликда йиғиқ гаплар моҳиятан икки бўлак – эга ва кесим деб аталган бош бўлақлардан иборат бўлади. [S←P] табиатига эга бўлган гап муаллиф мақсади, хоҳишига кўра қўлланаиб, кўшма гап, матн таркибида ҳам учрайди. Шунингдек фақатгина [S←P] қолипи доирасида жойлашган бўлақлар, баъзида ўз ўрнини алмаштирса ҳам, гап йиғиқлигича қолади, масалан, *Баҳор келди. – Келди баҳор.* Бу икки йиғиқ гапнинг қўлланилиши, албатта, муаллиф мақсадидан келиб чиққан. Ўзбек тилшунослигида, бошқа тилшуносликлар каби ёйиқ гаплар муаммоси анча муфассал ўрганилган. Ўтган аср ўртаси ва охирларида формал тилшунослик йўналишида битилган ўқув адабиётларда бу бирликларга қуйидагича таъриф берилган: “Биргина фикрни англатиб, иккинчи даражали бўлакка эга бўлган гап ёйиқ гап дейилади”.¹

Тил тизимида йиғиқлик ва ёйиқлик структур жиҳатдан ўхшаш, аммо улардан фарқланувчи ҳодиса – тўлиқсизлик ҳодисаси ҳам мавжуд. Тўлиқсиз гаплар ўзбек тилида нисбатан ўрганилган бўлиб, устоз олимларнинг асарларида қуйидаги таърифларга дуч келиш мумкин: “Гап бўлақларининг бири ёҳуд бир нечаси туширилса, бундай гап тўлиқсиз гап деб аталади. Тўлиқсиз гапнинг туширилган бўлаги гап мазмунидан билинади”.²

Гапнинг нисбатан тугаллигини билдириш учун тўлиқсиз гапларда шакл ва мазмун жиҳатдан бош ёки иккинчи даражали бўлақлар иштирок этмаслиги мумкин. Бу ҳолатда эга, кесим, тўлдирувчи, ҳол ва аниқловчининг туширилиши мисоллар билан кўрсатилган. Шунингдек, икки ва бир таркибли тўлиқсиз гаплар фақат бир бўлақдан иборатлиги ҳам ёритилиб, буларнинг табиатини яхши тушуниш учун учта асосий ҳолатни ҳисобга олиш зарурлиги уқтирилган. Биринчидан, тўлиқсиз гап қўлланган ситуация (контекст ёки шароит назарда тутилади). Иккинчидан, мавжуд гап бўлақларининг ифодаланмаган бўлақлар, уларнинг семантик-синтактик вазифаси ва гап типига боғлиқлиги. Учунчидан, гапнинг контекст ва шароит билан мазмунидан боғлиқлиги. Ўзбек тилшунослигида ёйиқ ҳосиланинг синтактик тузилиши ҳақида билдирилган турли-туман фикрларни қуйидаги чизмада умумлаштириш мумкин. (1-чизма)



¹ Ғуломов А., Маъруфов З., Шермухамедов Т. Ўзбек тили грамматикаси. 2-қисм. Синтаксис. Тўлиқсиз ўрта ва ўрта мактаблар учун дарслик. – Т.: Ўздавнашр, 1948. –Б.20

² Ғуломов А., Маъруфов З., Шермухамедов Т. Ўзбек тили грамматикаси. 2-қисм. Синтаксис. Тўлиқсиз ўрта ва ўрта мактаблар учун дарслик. – Т.: Ўздавнашр, 1948. –Б.62

Ушбу бобнинг инглиз тилидаги уч синтактик бирликларга бағишланган бўлимида олимларнинг фикрлари таҳлил қилинди. Инглиз тилида ўзбек тилига нисбатан йиғиқ бирликлар кам ўрганилган ва булар ҳақидаги маълумотлар анча қисқа тарзда берилганлиги аниқланди. Масалан, 1956 йилда чоп этилган “Инглиз тили назарий курси”да йиғиқ гаплар тўғрисида берилган маълумотни эслатмоқчимиз: “Нераспространенные предложения, т.е. предложения, состоящие только из одних главных членов, встречаются относительно редко. Такого рода предложения лишь схематически констатируют тот или иной факт, не сообщая никаких подробностей. Простое сказуемое в этих предложениях может быть выражено только непереходным глаголом: *The sun rose; He came in; She has finished*”.¹

Бироз кейинроқ чоп қилинган дарсликда эса бу тузилмалар ҳақида бирор бир маълумот йўқ. Бу ерда содда гапнинг тузилиши, сўзлар тартиби, инкор, кесим ва эга мослашуви каби масалалар ёритилган.² Худди шунингдек, содда йиғиқ гаплар ҳақидаги ниҳоятда қисқа маълумот ўзбек олимлари яратган “Инглиз тили грамматикаси” дарслигида келтирилган: “Содда гаплар иккинчи даражали бўлақларнинг иштирок этиши ёки этмаслигига кўра икки турга, яъни содда йиғиқ ва содда ёйиқ гапларга бўлинади”.³

Инглиз ва ўзбек тиллари грамматик тизимига хос ходисаларнинг қиёсий таҳлили масалаларига бағишланган айрим ўқув адабиётларида эътибор кўпроқ синтактик категориялари эмас, балки сўзларнинг ўзаро синтактик алоқаси ёки муносабатини ўрганишга қаратилиб, улар ҳақида қатор фойдали фикрлар билдирилган. Шунингдек, парадигматика ва синтагматика, грамматиканинг ифода ва мазмун планлари алоқаси, замонавий грамматик тадқиқ методлари кабилар ҳақида маълумотлар келтирилганлиги ижобий ҳол.⁴

Инглиз тили материалларида йиғиқ гапларга нисбатан ёйиқ гаплар кўпроқ тадқиқ этилган. Ва бу ҳол табиийдир, чунки ушбу гапларнинг компонентлари ҳар хил ҳамда уларнинг ҳар бири ўзига хос хусусиятга эга. Ёйиқ гаплар, одатда, эга ва кесим таркибидан иборат бўлиб, уларда иккинчи даражали бўлақлар ҳам иштирок этади. Агар уларнинг биригина қўлланган бўлса, унда уларни бир таркибли гаплар қаторига киритиш зарур. Аниқки, ҳар бир тил ўзига хос структур типларга ва турли кўринишларга эгаллиги инсон нутқининг мазмунан бойлигига боғлиқ. Тузилиши жиҳатидан гаплар содда ва кўшма, бир таркибли ва икки таркибли, ифода мақсадига кўра дарак, сўроқ, ундов ва буйруқ гапларга бўлинади. Инкор ва тасдиқ гаплар ҳам уларда инкор ёки тасдиқ маъносини ифодаловчи воситалар иштироки билан боғлиқ. Иккинчи даражали бўлақларнинг мавжуд ёки йўқлигига кўра улар йиғиқ ва ёйиқ гаплар гуруҳларига тақсимланади.

1956 йилда чоп этилган “Современный английский язык” асарининг муаллифлари тўлиқсиз гапни мазкур тузилма учун мантиқан зарур бўлган бўлакнинг тушиб қолиши билан боғлаб таърифлайдилар. Аммо, уларнинг қайдича, тушириб

¹Жигадло В.Н., Иванова И.П., Иофик Д.Л. Современный английский язык. Теоретический курс грамматики. –М.: Изд. Лит. на иностр. яз., 1956. –С.232

²Вилломан В.Г., Корнеева Е.А., Сорокина Ч.С. Английский язык. Изд.2. – Л.: Просвещение, 1972. –С. 431

³Бўронов Ж., Хошимов Ў. Инглиз тили грамматикаси. – Т.: Ўқитувчи, 1974. –Б. 302

⁴Бўронов Ж. Инглиз ва ўзбек тиллари қиёсий грамматикаси. – Т.: Ўқитувчи, 1973. –Б. 24

қолдирилган бўлак ҳеч қандай тўсиқсиз қайта тикланиши мумкин, чунки нутқ контексти шунга ишора қилади:

Genevra: Brett, you remember (thinks a moment).

Ушбу гапда “*she*” олмоши тушиб қолган.¹ Тўлиқсиз гаплар, асосан, оғзаки нутққа хос. Уларнинг тузилиши турлича ва ҳатто эга ҳамда кесимнинг боғловчи сўз қисми туширилиб қолдирилиши мумкин:

Where is Mr. George? – Gone out to have a pipe (Shaw).

Бундан ташқари, икки бош бўлакнинг эллипсиси ҳолатлари ҳам учрайди. Бунда гап структурасида фақат иккинчи даражали бўлак сақланади: *How much more money are you going to give him? – Not another penny (Shaw)*.² Шу ўринда айтиш керакки, бу ҳолат фақат оғзаки нутқгагина хос бўлмасдан, балки турли типдаги матнларда қўлланилиши мумкинлиги ҳеч кимга сир эмас. Муаллифлар аввалроқ, мантиқан зарур гап бўлагининг тушиб қолиши ҳақида ёзган бўлсалар, қуйироқда эса бунга зид равишда “тўлиқсиз гапда фақат тўлдирувчи қўлланган” дейилган.³

Баъзи бир олимларнинг фикрича, тўлиқсиз гапларга қиёслаш мазмунига эга бўлган гапларни ҳам киритиш мумкин, масалан, “*He works more than I (work)*”. Бу каби гапларни тўлиқсиз гаплар деб қабул қилиш нотўғрилигини қайд этган айрим муаллифлар “етишмаётган” феълни тиклаш гапнинг сунъийлигига олиб келишини таъкидлаган: “*The Haliens can use cement better...*”⁴ Шунингдек, муаллифлар фикрича, қисқа жавоблар бўлган гапларни тўлиқсиз гаплар қаторига киритиш ҳам мумкин эмас, масалан: “*Did you ever leave him alone? – Perhaps I did*”.⁵

“*The Grammar of the English language*” (1973) китобида структурасига кўра содда гаплар бир ва икки таркиблига бўлинади, икки таркибли гаплар иккита бош бўлаклардан – эга ва кесимдан иборат. Улардан бирортаси тушиб қолдирилса, гап мазмуни ўзгармайди ва улар тўлиқ ҳамда тўлиқсиз гапларга бўлинади. Бош бўлаклардан бирининг тушиб қолиши, аммо гап мазмунига путур етказмаслиги тўлиқсиз гапни вужудга келтиради ва улар эллиптик гаплар деб аталиши ҳамда оғзаки нутқда ёки диалогларда учраши ҳақидаги мулоҳазалар ҳам ўринлидир. (2-чизма)


¹Жигадло В.Н., Иванова И.П., Иофик Д.Л. Современный английский язык. Теоретический курс грамматики. –М.: Изд. Лит. на иностр. яз., 1956. –С. 231

² Шу асар. –С.231.

³ Шу асар. –С.231.

⁴ Шу асар. –С. 231.

⁵ Ганшина М.А., Василевская Н.М. Грамматика английского языка. –М.: 1947, -248с.



Гап таркибида бўлақларнинг тушиб қолиши, яъни эллипсис ҳодисаси ёритилган, аммо гап структур типлари кўриб чиқилмаган.¹ Тушириб қолдириш – эллипсис ҳодисасида, тузилманинг структур жиҳатдан зарурий элементи тағмаёноли ифодаланган. Ушбу имплицит унсур тузилма мундарижасига киради. Тушириб қолдириш синтактик жараён кўринишида мажбурий қуршов ҳодисасига асосланади. Айнан зарурий дистрибуция муносабатлари элементларидан бирини туширишга имкон яратади.

Диссертациянинг “Йиғиқ, ёйиқ ва тўлиқсиз тузилмаларнинг гап лисоний структурасидаги ўрни” деб номланган иккинчи бобида йиғиқ, ёйиқ ва тўлиқсиз бирликларнинг табиати ва моҳияти ҳақидаги маълумотлар ҳамда шу бирликларнинг ўзаро муносабати каби масалалар тадқиқ этилган.

Синтактик тежамкорлик нуқтаи назаридан қаралганда эгани ёйиб келувчи бўлақлар камроқ, кесимни эса кўп. Аммо ёйиқ гапларга оид бу фикрни тўғри дейиш унчалик маъқул эмас, чунки содда гаплар қанча кенгайтирилган бўлса, улардан англашиладиган мазмун шунчалик кенг, кўп қиррали бўлиши мумкин.

Мисоллар таҳлили натижасида ёйиқ гап турли воситалар ёрдамида эга+кесим каби энг қисқа шаклдан келиб чиқиб кенгайиши мумкинлиги аниқланди. Унинг уюшиқ элементлар ҳамда ажратилган бўлақлар билан кенгайиши қиёсланаётган тилларда ўрганилди.

Маълумки, формал ёки анъанавий тилшунослиқда уюшиқ бўлақлар кўпгина тадқиқотлар объекти бўлган. Ўзбек тилида ва XIX асрда чоп этилган луғат, илқ грамматикаларда, шунингдек, бошқа туркий тиллар грамматикаларида² уюшиқ бўлақлар масаласи кўриб чиқилган. XX аср 20-йиллари А.Фитрат, И.Батманов,

¹Иванова И.П., Бурлакова В.В., Почепцов Г.Г. Теоретическая грамматика современного английского языка. –М.: Высшая школа, 1981. –С.190-229.

²Казембек А.К. Грамматика турецко-татарского языка. –Казань: 1839; Мелиоранский П.М. Краткая грамматика казак-киргизского языка. Ч. 1-2, СПб.: 1897; Кияс-беков А. Словарь и элементарная грамматика сартовского языка. – М.: Б.И., 1907.

В.Решетов, А.Ғуломов, А.Н.Кононов¹ асарларида қайд этилган бўлса, ундан сўнг ушбу ҳодисани Ф.С.Убаева ва Д.Ашурова²лар махсус тадқиқ этишган.

Шунингдек, уюшиқ бўлақлар ҳақида фикрлар “Ҳозирги ўзбек адабий тили” дарслигида ҳам баён қилинган. Бу китобда таърифланишича: “Битта гапда бирдан ортиқ бир типдаги гап бўлақлари, яъни эга, кесим ёки бир типдаги иккинчи даражали бўлақлар келиши мумкин. Бир хилликни ҳосил қиладиган бундай бўлақлар уюшиқ бўлақ ҳисобланади. Шундай бўлақлар иштирок этган гап уюшиқ бўлақли гап саналади”³

Содда гап таркибини кенгайтирувчи уюшиқ бўлақлар инглиз тилида ҳам ўрганилган. Л.Л.Июфик, Б.А.Ильиш, И.П.Иванова, В.В.Бурлакова, В.А.Кобрина, И.В.Арнольд, Г.Г.Почепцов, И.Луриа, М.Риффатер ва бошқалар уларнинг турли синтактик алоқалар воқеланишида бирикишига аҳамият берган ҳолда тадқиқ этишган. Инглиз тили грамматик категориялари тадқиқи билан шуғулланган Б.А.Ильиш “Строй современного английского языка” номли асарида: “Гапда бир хил функцияни бажарувчи, боғловчи ёки боғловчисиз бирлашган, икки ёки ундан ортиқ қисмлар – уюшган бўлақлар ҳам бор”лигини ва “уюшиқ бўлақлар деганда, бир хил сўз туркумига тегишли сўзларни (икки ёки ундан ортиқ эга, кесим, тўлдирувчи ва бошқалар)”, тушуниш кераклигини ҳамда уларнинг ҳаммаси гапнинг бош бўлақларига бир хил муносабатда бўлишини (агар иккинчи даражали уюшиқ бўлақни олсак, улар гапнинг бош бўлақларига бир хил бўйсунди) айтиб ўтган.⁴

Ўзбек тилшунослигида ажратилган бўлақлар масаласини А.Ғуломов, Ф.С.Убаева, Ҳ.Болтабоева ўрганган бўлиб, уларнинг фикрига кўра, ажратилган бўлақлар ўзининг грамматик, семантик, функционал хусусиятига кўра, синтаксиснинг махсус соҳаси – мураккаб гапни ташкил этиши эътироф этилган ва ажратилган бўлақларни “мураккаб гап синтаксисини ташкил этувчи алоҳида бир гап бўлаги..., кўмакчили конструкциялар..., ажратилган сифатловчилар ва изоҳлар ташкил этиши”⁵ қайд этилган.

Қиёсланаётган тилларда йиғиқ гап ҳақида қандай ишлар қилингани қайд этилган. Адабиётларда йиғиқ гапларга бир хил таъриф берилган бўлиб, моҳиятан эга ва кесимдан иборатлиги таъкидланган. Йиғиқ гап анъанавий тилшуносликда [Э+К] моделида келтирилган, аммо ҳамма вақт ҳам шу фикр тўғри бўлиши гумон. Бунинг сабаби шуки, энг содда гап эга ва кесимдангина эмас, биргина эга ёки кесимдан ҳам иборат бўлиши мумкин: *Шамол. Қўзғалди*. Йиғиқ гаплар масаласи инглиз олимлари асарларида ҳам кўриб чиқилган. Инглиз тили синтаксиси бўйича мутахассислар Н.Кобрина “An English Grammar” китобида эга ва кесим бирикмаси инглиз тилида содда гапнинг асосий қолипи (the basic pattern) эканлигини алоҳида қайд этганлар. Бу

¹ Фитрат А. Нахв. 2-китоб. –Т.: Ўздавнашр, 1930; Решетов В. Современный узбекский язык (Элементы фонетики, морфологии и синтаксиса). Часть I. –Т.: Госиздат, 1946; Ғуломов А. Содда гап. –Т.: Ўздавнашр, 1955. –100б.; Кононов А.Н. Грамматика турецкого языка.-М. -Л.: Изд-во АН СССР, 1941;

² Убаева Ф.С. Ҳозирги замон ўзбек адабий тилида гапнинг уюшиқ бош бўлақлари. Филол. фанлари номзоди ...дисс. – Самарқанд: 1959; Ашурова Д., Убаева Ф., Болтабоева Ҳ. Гапнинг уюшган ва ажратилган бўлақлари. – Т.: Фан, 1962.

³ Ҳозирги ўзбек адабий тили. II. Синтаксис. –Т.: ЎзФА, 1966. –Б.167-168.

⁴ Ильиш Б.А. Строй современного английского языка. – Л.: Просвещение, 1971. –С.254.

⁵ Юкоридаги асар. – Б. 219-220.

қолип икки таркибли гапларни ҳосил қилишини муаллифлар қуйидаги мисоллар воситасида далиллашга ҳаракат қиладилар:

1. *John ran.*
2. *John is a student.*
3. *John is clever.*
4. *John learned French.*
5. *John gives Mary his books.*
6. *John lives in London.*
7. *We found John guilty.*
8. *We found John a bore.*

Мисоллар таҳлили шуни кўрсатдики, ўзбек ва инглиз тилларининг тузилиши жиҳатдан фарқли томонлари бўлса-да, йиғиқ гаплар масаласида олимларнинг айрим фикрлари ўзаро ўхшаш. Бу албатта, ҳар бир тилнинг моҳиятидан келиб чиқиб, хулоса чиқарилганидан дарак беради.

Тадқиқ қилинаётган бирликлардан бири – тўлиқсиз гаплар ҳам ҳар икки тилда ўрганилган ва қуйида инглиз олимларининг айрим фикрлари келтирилган: "...Complete and incomplete (or elliptical) sentences are distinguished by the presence or absence of word-forms in the principal positions of two-member sentences. In an incomplete (elliptical) sentence one or both of the main positions are not filled, but can be easily supplied as it is clear from the context what is missing. *Cheerful, aren't you? Ready? Wrong again.*"¹ Эллиптик (тўлиқсиз) гаплар оғзаки нутқ учун характерлидир. Бир ва икки таркибли гаплар бош бўлақлар ўрни тўлиқ банд бўлишига нисбатан фарқланади. Масалан, бир таркибли гапларда бу жойлардан фақат биттаси банд бўлади. Аммо ушбу ўринни эгаллаган бўлақнинг эга ёки кесим мақомида бўлишини аниқлаш қийин.

Инглиз тилидаги тўлиқсиз гаплар масаласида Н.М.Раевска билдирган фикрлар ҳам эътиборга лойиқ: "Ellipsis in sentence-structure is a natural syntactic process in linguistic development presented as normal practices in many languages. Quite a number of elliptical patterns are shortcuts in syntactic usage fixed as a form of linguistic economy by right of long usage. In terms of traditional grammar, elliptical sentences are generally identified as sentences with the subject or predicate missing."²

Эллиптик гапларнинг тушиб қолган бўлагини маълум омилларга суянган ҳолда тиклаш мумкин. Бундай омиллар каторига қуйидагилар киради:

а) нутқ контексти (the immediate context): "*How was the play?*" *she inquired.* "*Very good,*" *returned Hurstwood.* (Dreiser);

б) грамматик конструкция қолипига асосланган ҳолда: "*Doing well, I suppose?*" "*Excellent.*" "*Glad to hear it*" (Dreiser);

Эллиптик гаплар структур таркиби жиҳатидан алоҳида гуруҳларга ажралади:

а) эганинг тушиб қолиши: *Looks to me for all the world like an aflame leopard* (Galsworthy);

б) there is, there are иборалари воситасида ифодаланадиган кесимнинг тушиб қолиши: *He shook a thick finger at the room: "Too many women nowadays, and they don't know what they want* (Galsworthy);

¹ Ўша асар. –Р. 230.

² Rayevska N.M. Modern English Grammar. –В.: 2009. -Р. 197-196.

в) ёрдамчи, боғловчи ва бошқа функционал феъллар тушиб қолиши: *You going to take Irene?* (Galsworthy);

г) эга ва ёрдамчи феъл ўринларининг бўш қолиши: *Remember that boy? Staying with my father? Going to marry him?* (Galsworthy);

д) эга ва боғловчи феъл ўринларининг бўш қолиши: *I don't write. Not such a fool* (Galsworthy);

Шу мавзунинг тадқиқ этган айрим олимлар гап модели ҳақида фикр юритиб, тўлиқсиз гапларнинг кўрсатилган қолипдан чиқмаган ҳолда ҳосил бўлиши мумкинлигини қайд этишган.¹

Ўзбек тилшунослигида тўлиқсиз гаплар мавзуси А.Н.Назаров, Т.И.Антонова, Н.П.Колесников, Т.Эфендиева-Гаджиева, А.П.Комаров ва А.Бабаеваларнинг илмий ишларида талқин қилинган. А.Бабаеванинг таъкидлашича, "... тўлиқсиз деб келинаётган гап тўлиқ гаплар каби фикрни тўлиқ ифода қилади".² Олимларнинг мана шу каби хулосалари тўлиқсиз гап билан тўлиқ гап ўртасида формал фарк борми/йўқми ёки булар мазмунан ҳам, шаклан ҳам тўлиқ бўладими, каби қатор саволлар туғилади. Бу табиий ҳолдир.

Ўзбек тилида чоп этилган айрим ишларда тўлиқсиз гапларнинг қуйидаги турлари берилган:

1. Диалогик нутқ таркибидаги тўлиқсиз гаплар;
2. Мустақил қўлланувчи тўлиқсиз гаплар;
3. Фразеологик бирикма тарзидаги тўлиқсиз гаплар;
4. Қисқа гап таркибидаги тўлиқсиз гаплар.³

Тўлиқсиз гапларнинг худди шундай турлари Ғ.Абдурахмоновнинг "Ўзбек тили грамматикаси" дарслигида ҳам келтирилган.⁴ А.Бабаева "Тўлиқсиз гапнинг ўхшаш конструкциялардан фарқи" сарлавҳаси остида бир составли гапларнинг шахсиз гаплар, номинатив гаплар турлари ичида қайси тўлиқсиз бўлиб келиши ҳақида фикрлар берилган. Сўнг сўз-гап, фразеологик штамп гаплар ва тугалланмаган гапларга тўхталинган. Тўлиқсиз гап ва бир составли гапларни қиёслаганда анчагина чалқашликка йўл қўйилган. Шунингдек, бу асарда монологик нутққа хос тўлиқсиз гапларнинг қуйидаги турлари берилган:

1. Контекстуал тўлиқсиз гаплар;
2. Ситуатив тўлиқсиз гаплар;
3. Эллиптик гаплар.⁵

Таҳлил этилган материаллардан кўриниб турибдики, бу уч категория бир-бири билан узвий боғлиқ ҳамда уларнинг ўзаро муносабатини қуйидаги тасвирда акс эттириш мумкин: (3-чизма)


¹ Chomsky N. Syntactic Structures. –Н.: 1962. 417р; Сепир Э. Язык. –М.: 1934. –С.30; Ревзин И.И. Модель языка. –М., 1962. –С. 8.

² Бобоева А. Ҳозирги ўзбек адабий тилида тўлиқсиз гаплар. 1978. –Б.32.

³ Ўзбек тили, II т. Синтаксис. Тошкент, 1976 й. –Б.198.

⁴ Абдурахмонов Ғ. Ўзбек тили грамматикаси. Синтаксис. –Т., 1996. –Б.37-40.

⁵ Бобоева А. Ҳозирги ўзбек адабий тилида тўлиқсиз гаплар. 1978, –Б.32



Ушбу бобнинг иккинчи бўлимида йиғиқ, ёйиқ ва тўлиқсиз тузилмаларнинг субстанциал хусусиятлари ўрганилди. Шу йўналишда, содда гап моҳияти, структурасини тадқиқ этган М.Абузалова қайд этганидек, флектив тилларда, жумладан, рус тилида ҳам, гап қурилиши аксарият ҳолларда ҳукмга мос бўлгани учун, субъект ва предикат асосида олинган эга ва кесим яхлитлигидан ибора тузилма, яъни минимал гап кўринишида талқин қилинди:¹

Я старьий – I am old;

Ты старьий – You are old;

Он старьий – He is old.

Ушбу гаплардаги кишилиқ олмоши билан ифодаланган эга тушиб қолса, гапнинг коммуникатив моҳияти йўқолади.² Ҳинд-Европа тилларида минимал гап “эга+кесим” қурилмаси бўлиб, унга содда йиғиқ гап сифатида ёндашилади. Формал-функционал тадқиқда эса бу ҳодисага нисбатан ўзгача ёндашув пайдо бўлди, чунки содда гап асосига “эга + кесим” қолипи турмаслиги маълум. Ўзбек тилида кесимлик категорияси алоҳида хусусиятга эга. Бундай ёндашув ўз моҳияти билан йиғиқ гапга ҳам муносабатни ўзгартиришни талаб қилади. М.Абузалова ўз илмий тадқиқотларида содда гапнинг энг кичик қурилиш қолипи $[WP_m]$ нинг моҳияти, таркиби ва унинг ўзига хос томонларига батафсил тўхталган.

Субстанциал йўналишда йиғиқ гаплар Н.Йўлдошева илмий ишининг бевосита тадқиқот объекти бўлган. Ушбу тадқиқот ишида содда гап ва унинг асосида пайдо бўлган ҳамма ҳосилалар туб моҳиятидан келиб чиққан ҳолда тадқиқ этилган. У ўз диссертациясида йиғиқ гапларнинг қуйидаги кўринишларини келтиради:

$[WP_m]$ қурилишли йиғиқ гаплар;

$[WP]$ қурилишли йиғиқ гаплар;

$[S-P]$ кўринишли йиғиқ гаплар.³

Тилшунос олимлар О.Азизов, М.Мирзаев, С.Усмонов, Ғ. Абдурахмонов, И.Расулов, А.Нурмонов, Н.Маҳмудовларнинг асарларида эга ва кесимдан иборат еки фақат бош бўлақлардангина тузилган гап йиғиқ гап деб талқин этилган. Мустақиллик даврида яратилган дарсликларда қуйидагилар келтирилган: “Фақат кесимдан иборат бўлган гап йиғиқ гап ҳисобланади. Масалан: *Кўз. Қара.* Кесимнинг бошқа бўлақлар

¹ Абузалова М. Ўзбек тилида содда гапнинг энг кичик қурилиш қолипи ва унинг нутқда вокеланиши. Филол. фан. номз...дисс. –Бухоро: 1994, –Б.128

² Ўша асар. –Б. 9-10.

³ Йўлдошева Н. Йиғиқ гапнинг формал-функционал талқини. Филол.фан.ном.дисс... –Т: 2010. –Б.71-79.

билан кенгайишидан ҳосил бўлган гап ёйиқ гап дейилади. Масалан: *Мен уни кўрдим*”¹. Қайд этилган ҳаволада келтирилган фақат кесимдан иборат гаплар формал тилшуносликда бир таркибли гаплар сифатида ҳам тадқиқ этилади. Ўзбек субстанциал йўналишида содда гапнинг [WPm] моделига асосланган ҳолда анчагина ҳосилалар, хусусан, йиғиқ гаплар масаласига ёндашишда ўзгача йўл тутилган.

Мустақиллик даврида яратилган асарларда ўзбек олимлари содда йиғиқ гапларни уч хил турга бўлишган ва шу мавзунини махсус тадқиқ этган Н.Йўлдошева ҳам буни таъкидлайди. Булар- [WPm], [WP], [S-P]. Йиғиқ гапнинг [S-P] тури ҳақида биз ишимизнинг бошида кенг тўхталган эдик. Йиғиқ гапнинг бир тури сифатида қаралаётган гап формал-функционал синтаксисдаги содда гап қолипига мос. Шу жиҳатдан туркий тиллар ва ҳинд-европа тилларида қўлланаётган бу қолип - [S-P]да ўзбек тили моҳиятини очиб бериш имконияти йўқ, шунинг учун ўзбек олимларининг мустақиллик даврида [WPm] қолипи билан ишлашлари ўзини оқлайди. Олимларнинг йиғиқ гаплар ҳақидаги фикрлари қисқа тарзда келтирилди. Бунда айрим ҳолатларга аҳамият беришга тўғри келди, чунончи баъзи ўринларда йиғиқ – бир таркибли – тўлиқсиз гапларни ажратиш қийин бўлмоқда. Қуйидаги фикрларга диққат қиламиз:

“Бош бўлақлар иккинчи даражали бўлақларнинг иштирокисиз, айрим, мустақил гапни ташкил эта олади. Бундай гаплар содда гапнинг йиғиқ типини ҳосил қилади: *Дилдор ўйланиб қолди. (С.Аҳмад) Ўйигит ҳам шунақа бўладими? (П.Қодиров) Сиз Тошкентликмисиз? (Ойбек) Сен шермисан?!.. Сен бебурд, ярамас!.. (Яшин) Демак, содда гаплар составида бош ва иккинчи даражали бўлақларнинг қатнашувига қараб, икки хил бўлади: йиғиқ гап ва ёйиқ гап. Йиғиқ гаплар бош бўлақлардангина тузилади. Ёйиқ гаплар эса ҳам бош, ҳам иккинчи даражали бўлақлардан ташкил топади*”². Тўлиқсиз гапларда, яъни “...бир составли гапларда, тўлиқсиз гапларга ўхшаб, бирор бўлақнинг яширингани сезилмайди; грамматик жиҳатдан ифодаланмаган бўлақни қидиришга ҳеч қандай эҳтиёж бўлмайди, бусиз ҳам фикр – мақсад англашила беради”³.

Ўзбек формал-функционал тилшунослигида йиғиқ гаплар тадқиқига бағишланган махсус асар бўлмаса-да, тўлиқсиз гаплар масаласини олима А.Бабаева ўз монографиясида яхши тадқиқ этган. Ўзбек тили академнашрда тўлиқсиз гапларга қуйидагича таъриф берилган: “Бирор бўлағи яширинган гаплар тўлиқсиз гап дейилади:

Раҳимжон: Иккови бир олманинг икки палласи!

Одилов: Қўзиевчи?

Бу ўринда Одиловнинг гапи тўлиқсиз гапдир, унда фақат эга ифодаланиб, бошқа бўлақлар туширилган”⁴. Тўлиқсиз гапларнинг айрим турлари йиғиқ ва бир таркибли гапларга ўхшаш бўлади, шунингдек бир таркибли гаплар йиғиқ гап билан чалкаштирилади. Ўзбек тилшунослигида тўлиқсиз гапларга стилистик восита сифатида қаралади, чунончи, “тўлиқсиз гап маълум фикрни, мақсадни ифодалашда қўлланувчи стилистик воситадир”⁵. Нима асосда бундай фикрга келинган. Бу ҳосила

¹Махмудов Н., Нурмонов А. Она тили. –Т., 2004. –Б.44

² Ўзбек тили грамматикаси. 2 том. Синтаксис. –Т., 1976, -Б.118.

³ Шу асар. -Б.184.

⁴ Шу асар, -Б.184

⁵ Ўзбек тили грамматикаси. 2 том. Синтаксис. –Т.: 1976, -Б.184.

хам худди бошқалардек, бир сўздан иборат бўлиб, гап вазифасида кела олади. Унда ҳам максимал тарзда – тўлиқ (ёйиқ) гапни ташкил қилиш учун ўз бўлаклари мавжуд. Унинг ёйиқ ҳолда кела олиши йиғиқ гапдан фарқ қилинади.

Тадқиқотнинг “**Йиғиқ, ёйиқ ва тўлиқсиз бирликларнинг таркиби ва ифодаланиши материали**” деб номланган учинчи бобида ёйиқ, йиғиқ ва тўлиқсиз бирликларнинг таркиби, ифодаланиши масаласи ва турлари таҳлил этилган. Ушбу масаланинг алоҳида ўрганилиши сабаби шундаки олдинги даврларда яратилган илмий ишлар ва ўқув адабиётларда берилган материал тадқиқ этилаётган бирликларнинг моҳиятини тўлиқ очиб бермаган.

Гап эга ва кесимдан иборат бўлса ҳам, лекин бу бўлақларнинг бири гап структурасида яққол ифодаланмаган бирор иккинчи даражали бўлақни билдириб турувчи грамматик белгига эга бўлганида, одатдаги йиғиқ гапдан бир оз фарқланади. Масалан, *Онаси куйлади (унинг онаси куйлади). Карим – укам (Карим менинг укам).* Бу типдаги гапларда иккинчи даражали бўлақ, аниқловчи ҳақида сигнал берувчи махсус аффикс бўлса ҳам, ўша бўлақ шу гапда реал иштирок қилмайди, махсус аффикс эса, табиий, ўша ўзак морфема билан бирликда бир сўз – бир бўлақ саналади. Шунга кўра бундай гап ҳам йиғиқ содда гап санала беради.¹

Инглиз тили грамматикаларида бу қатордаги тузилмаларга энг оддий гап (элементарное предложение) деб ном берилиб, таркиби бўйича минимал грамматик тузилиши ва мазмуни жиҳатдан оддий гап структураси унинг структур схемаси сифатида шарҳланган. Яққол ифодаланган компонентлари структур схемаси бўйича қурилган конструкция элементар гап дейилади.²

Ишимизнинг олдинги бобларида тўлиқсиз гапларнинг турларига тўхталиб, унинг уч хил кўринишини таҳлил этдик. Қуйида тўлиқсиз гапнинг структур кўринишлари мисоллар билан кўрсатиб берилган:

1. Эга айтилмаган бўлади. - *Ўғлинг борадимми? -Боради*
2. Кесим айтилмаган бўлади. - *Ким боради? - Секретарь.*
3. Эга ва кесим айтилмаган бўлади. - *Аҳмаджон қачон жўнаши керак? - Уч кундан кейин.*
4. Иккинчи даражали бўлақлар айтилмаган бўлади: - *Институтни битирдингизми? - Битирдим.*

Инглиз тилидаги манбалар таҳлилида ҳам тўлиқсиз гапларнинг таркиби турлича эканлиги аён бўлади. Қиёсланаётган тиллар турли оилаларга мансублиги сабабли гапда бўлақларнинг жойлаштирилиши тартиби ҳам анчагина фарқ қилади. Ҳар бир лингвомаданиятга хос нутқий фаолият ва мулоқот қоидалари узок даврлар давомида шаклланган бўлиб, худди шу қоидалар нутқий тузилмаларнинг ботиний ва зоҳирий қатламларининг таркиби ҳамда тартиботи назоратини таъминлайди.

Тўлиқсиз гапларнинг аксарияти диалогларда қўллангани сабабли айрим олимлар уларни “диалогик тўлиқсиз гаплар” деб номлаб, ушбу тузилмаларни ситуатив-контекстуал тўлиқсиз гаплардан фарқ қилиш лозимлигини қайд этадилар³

А.Хазратқуловнинг фикрича, диалогларда фақат контекстуал тўлиқсиз гаплар қўлланилади.¹ Баъзи тадқиқотларда диалогик тўлиқсиз ва ситуатив тўлиқсиз гаплар

¹ Фуломов А.Ғ., Асқарова М.А. Ҳозирги замон ўзбек тили. Синтаксис. -Т.: 1961, -Б.67.

² Иванова И.П. и др. Теоретическая грамматика современного английского языка. -М.: 1981. -С.211.

³ Алиев У.Б. Синтаксис карачаево-балкарского языка. -М.: 1972. -С.117-118.

ўртасида чегара қўйилиши тўғри эмас. Бу ҳол тўлиқсиз гапларга грамматика ва мантик нуқтаи назаридан ёндашиш аралаштириб, чалкаштириб юбориш натижасида пайдо бўлади. Тўлиқсиз гап атамаси нутқий тузилманинг грамматик структурасига нисбатан қўлланилади, улар, одатда, тўлиқ тузилишли гапларнинг бирор бирлиги тушиб қолиши натижасида пайдо бўлади. Демак, тўлиқсиз гап структураси эллипсис ҳодисаси билан узвий боғлиқ.

Конструкциялар таркибида бирликларнинг тушиб қолиши тилшуносликда эллипсис атамаси билан юритилади. Бу ҳақда шу ҳодисага бағишланган махсус илмий иш проф. Н.М.Махмудовнинг «Эллипсис в узбекском языке» номли номзодлик диссертациясидир. Олим бу ҳодисани таҳлил қилар экан, унинг уч турини кўрсатади.

1. Эллипсисы в диалогах;
2. Анафорический эллипсис;
3. Эллипсис в формировании неполных предложений.²

Учинчи бандда гап таркибида қандай бирликларнинг тушиб қолиши батафсил ёритилган. Таҳлил жараёнида олим ситуация ва контекст билан боғлиқ бўлган эллипсислар тўлиқсиз гапларни шакллантириши, аммо семантик эллипсисларни эса ташкил этмаслигини далиллайди.

Қиёсланаётган тилларда мисоллар таҳлили шуни кўрсатдики, ҳар икки тилдаги йиғиқ гаплар таркибан ва қайси сўз туркумларидан фойдаланганлиги жиҳатидан ўхшаш ва ўзига хос томонлари бор. Йиғиқ гапларни ўзбек ва инглиз тиллари тадқиқотчилари асосан содда гапнинг структур тури сифатида ўрганиб, унинг тузилиши масаласи билан қизиққан. Ваҳоланки, улар таркибининг моддий асоси, қандай элементлардан ташкил топгани, уларнинг ўзаро муносабати, фикрни баён этишдаги ҳиссаси каби қатор масалаларини тадқиқ этиш қизиқарлидир.

Йиғиқ гаплар формал ўзбек тилшунослигида қабул қилинган таърифидан келиб чиқиб, таҳлил қилганимизда дастлаб уларни икки бош бўлақдан [S←P] ташкил этилгани назарда тутилади. Субстанциал тилшуносликда унинг [S←P] шакли [E-WPm] тарзида қабул қилинган ва ушбу гапларнинг [E] компоненти турли сўз туркумларидан иборат бўлиши мумкинлиги қайд этилган:

1) турдош от: *Хукмингиз вожиб! Йиллар кутмайди.* (М.Юсуф)

As we approached, the door flew open, and a little blonde woman stood in the opening. (A.C.Doyle)

2) сифат: *Кўрқоқ шаллақи бўлади* (Ў.Ҳошимов); Инглиз тилида сифатнинг эга вазифасида келиши қарийб учрамайдиган ҳол. Лекин мустасно сифатида ибораларда сифат сўз туркуми тобе сўз олдига the артиклини қўйиб ишлатиш мумкин. Бунда сўз туркумлари транспозицияси ҳодисаси юзага келиб, сифат отга хос категориал белгиларини олади:³ *Only the brave deserve the fair. Only the good die young.*

3) сон: а) *Бирини тишлади, бирини юмлади.* (Ў.Ҳошимов) б) *Бирини у дейди, бирини бу дейди.* (Т.Малик) в) *We don't need your passport, one is enough. г) You two must go – with money.* (Ch.Finch)

¹ Хазраткулов А. Диалогическая речь в современном узбекском литературном языке. Автореф.канд.дисс... -Самарканд: 1966. -25с.

² Махмудов Н.Н. Эллипсис в узбекском языке. Дисс... канд...филологических наук, Т., 1977. -С.83-98

³ Сўз туркумари транспозицияси, яъни ўзаро кўчими ҳодисаси айрим ишларда махсус тадқиқ этилган. Масалан, қаранг: Зернов Б.Е. Взаимодействие частей речи в английском языке. -Л.: Изд. ЛГУ, 1986. -126с.

4) олмош: а) *Мен гангиб қолдим.* (Я.Садуллаева); б) *Мен кулиб юбордим.* (Н.Фозилов)
в) *Қарасам, етти яшар ўғлим ҳовли ўртасида турибди. Ўзи кўйлакчан. Бошланг*
(Ўткир Ҳошимов). My sister thinks that I am going mad. Sometimes I think that I am myself.
That is done. (A.C.Doyle); *Эсингиздами, нима дегандим? Не ажаб, улар ҳам ўрганса бир*
кун. Who are you, then? What do you want?" he asked in a quavering voice (A.K.Doyle)
Аллаким бақуриб юборди; Ўлган ўлди-кетди, ҳеч ким қайтмайди. (Муҳаммад Юсуф)

Ушбу баён этилган фикрлар, таҳлилга тортилган мисоллар бу турларнинг ҳам ўзига яраша хусусиятлари кўплигини ва буни мукаммал изланишлар орқали аниқлаш мумкинлигини кўрсатади.

Диссертациянинг “**Йиғиқ ва тўлиқсиз бирликларнинг қўлланилиши ва мавқеи масаласи**” деб номланган тўртинчи бобида йиғиқ ва тўлиқсиз гаплар кўшма гапнинг қисмлари тарзида учраши ҳақида тўхталиб ўтилади. Тадқиқотда дастлаб йиғиқ гапнинг насрий, сўнг назмий асарларда қўлланилиши мисоллар ёрдамида кўриб чиқилган. Ёзувчилар ўз фикрларини ифодалашда йиғиқ гапларни ҳам ишлатганлар. Одатда, кўшма гаплардан иборат матнларда йиғиқ гаплар матнлар бош қисми, ўртаси ва охирида қўлланиб келиши ҳамда бу маълум бир мақсадга йўналтирилганлигининг таҳлили берилди.

Ёйиқ гап таркибидан кенгайтирувчи бирликларни бирин-кетин олиб ташлаб, уни минимал ҳолда, яъни бир ёки икки сўздан иборат тарзда қолдириш мумкин. Албатта, бундай ҳолда унинг тузилиши ҳам ўзгаради. У ёки йиғиқ, ёки тўлиқсиз гап бўлиши мумкин: *У рўмолининг учини юзига босганча ҳиқ-ҳиқ йиғлар эди.* (Ў.Ҳошимов)

1. [У] *Рўмолининг учини юзига босганча ҳиқ-ҳиқ йиғлар эди.*
2. [У] [*Рўмолининг учини*] *Юзига босганча ҳиқ-ҳиқ йиғлар эди.*
3. [У] [*Рўмолининг учини*] [*Юзига босганча*] *ҳиқ-ҳиқ йиғлар эди.*
4. [У] [*Рўмолининг учини*] [*Юзига босганча*] [*ҳиқ-ҳиқ*] *йиғлар эди.*

Дастлаб, бу икки бирликнинг публицистик асарларда ишлатилишига аҳамият берилди. Олдинги даврда бўлган ёки ҳозирги воқеалардан бирини тасвирлаш учун ёзувчи, одатда, рўй берганларнинг кетма-кетлигига риоя қилади.

Ўзбек ва инглиз тилларида йиғиқ ва тўлиқсиз бирликларнинг ўзаро ўхшаш, фарқли томонлари қиёсан ўрганилмаган бўлса-да, умумий маълумотлар мавжуд, аммо уларнинг дискурсив фаоллашуви масаласи очиқ қолмоқда. Худди шунингдек, бу бирликларнинг турли услубларда қўлланилиши ҳақида ҳам ҳеч қандай тадқиқот олиб борилмаган.

Инглиз тили мисолларига мурожаат қиламиз:

“I hadn’t even occurred to me.”, said Edmund, a look of concern on his face. “Well, it’s simple – you mustn’t do anything more about the murders”.

Lenox shook his head. “No, I can’t do that. If Poole is guilty, I have to confirm it; if Poole is innocent, I have to prove it.”(Ch.Finch)

Бу парчада *it’s simple* йиғиқ гапи матн бошида қўлланган. Бу гапдан кейин биринчи гапга изоҳ сифатида ёйиқ гап келтирилган. Шунингдек, кейинги абзацда шарт тобе таркибли кўшма гап (Adverbial Clause of Condition) *If Poole is guilty, I have to confirm it; if Poole is innocent, I have to prove it* берилган. *Poole is guilty* ва *Poole is innocent* тобе гаплар тузилишига кўра йиғиқ гаплардир.

Инсон ташқи кўринишини тасвирлашда ҳам усталик билан йиғиқ гаплардан фойдаланиш мумкин. Келтирилган матн мисолида буни кўришимиз мумкин: ундаги

иккинчи гапда *Домла ҳали ёш, қомати тик, икки бети қип-қизил* қисмлари йиғиқ гаплардир. Учинчи гапда келтирилган биринчи қисм ёйиқ гап ва кейинги қисмларда унинг (биринчи гапнинг) мазмуни очилган, яъни изоҳи берилган. Изоҳ тарзида келтирилган гап йиғиқ гапдан (...*костюм-шим янги*) ва кейинги қисмлардан иборат. Бу ҳам ёзувчининг маҳоратидир.

Юқорида йиғиқ гапларнинг публицистик, бадиий асарларда қўлланилиши хақида фикр юритилди. Мана шу фактларнинг таҳлили яна бир бор ёзувчиларнинг ўз мақсадларини ифодалашда ўзларига хос йўллари борлиги уларнинг маҳоратидан далолат беради.

Йиғиқ гапларнинг назмий асарлардаги матнлар асосида таҳлили масаласига ҳам бобнинг алоҳида бўлимида тўхтаб ўтилган. Айрим мисолларни кўриб чиқамиз:

...Қамашидими, кўзинг ҳам у нурдан,

Ортга қайтмас бу эл тахтинг йиқмасдан...

Бу мисралар шоир М.Мирзонинг “Кет” шеърдан олинган бўлиб, бунга *қамашидими, кўнги* ва *кет* гаплари йиғиқ гаплар вазифасида қўлланган бўлиб, мисралар бошида келган. *Кет* гапи шу шеърда етти марта ишлатилган. Албатта, ушбу ҳол шоир мақсадининг амалга ошишидир.

...Андижонда тугилган жойим,

Чорласа-да, боролмадим ҳеч. (М.Мирзо)

мисраларда *чорласа-да* ва *боролмадим ҳеч* йиғиқ гаплари қўлланган ва улардан бири тобе таркибли кўшма гапнинг бир қисми. “Андижон, бу – сизсиз онажон” шеърининг биринчи қисмида биргина йиғиқ гап. Шу шеърнинг иккинчи қисмида шоир ўнта йиғиқ гаплар қўллаган.

Шу шеърнинг биринчи қисмидаги *чорласа-да* ва *боролмадим ҳеч* йиғиқ гаплари бир сўз-кесимдан ташкил топган. Кўшма гап ва унинг модели [W₁Pm₁ → W₂Pm₂] дир. Шоир йиғиқ гаплар қўлланган мисраларда ўзбек тилига хос гап бўлаклари тартибини берган, *тўзгир хазонлар* бундан истисно.

Ишнинг юқоридаги қисмларида қайд этилганидек, муаллифлар фикрини тўла-тўқис, мақсад ва кўпроқ хиссиётларини кенг ифодалаш учун ёйиқ гаплар шаклидан фойдаланишади. Бу ўринда тўлиқсиз гапларни “...грамматикада тўлиқ гаплар билан тенг ҳуқуққа эга. Чунки тўлиқ гаплар фикр ифодалашнинг бир хил усули бўлса, тўлиқсиз гаплар иккинчи хил усулидир. Тўлиқ гаплар асосида ётган объектив хусусиятлар (предикативлик, коммуникатив функция, интонацион тугаллик, нисбий тугал фикр англатиш каби) тўлиқсиз гапларда ҳам мавжуд”.¹ Бу ҳақда мулоҳазалар билдирилган. Агар тўлиқсиз гаплар тўлиқ гаплардек, юқорида хавола муаллифи айтганидек, белгиларга эга бўлса, уни алоҳида тарзда – содда гапнинг бир тури сифатида ўрганиш зарурми?

Куйида айрим мисолларни кўриб чиқамиз:

Бундай “дард”ларни кўтара олиш керак эди. Ҳа, у кўтара олди, чидади, чидади!
Аламини ичига ютди! Лекин инсон барибир метин эмас-ку! Барибир бир кун портлайди. Бундай портлаш жисм-у жониди бўлди. (Я.Садуллаева)

Бу матнда *Ҳа, у кўтара олди, чидади, чидади* гапини тўлиқсиз гап қаторига қўшиш мумкин. Шунда ҳам формал тилшуносликда бу birlikларга берилган

¹ Бобоева А. Ҳозирги ўзбек адабий тилида тўлиқсиз гаплар. –Т.: 1978. –Б.80

таърифни эслаш лозим бўлади: “Бирор бўлаги яширинган гаплар тўлиқсиз гап дейилади...”¹ Тўлиқсиз гапда матннинг бошидаги қисмда “дард”лар ҳақида мулоҳазалар юритилган. Шу гапда “дард” сўзини тиклаш - *Ҳа, у кўтара олди, чидади, чидади* – уни тўлиқ гапга айлантиради. Демак, бу тўлиқсиз гапда “дард”ни тўлдирувчиси тушиб қолдирилган.

Мисоллар таҳлили шуни кўрсатадики, тўлиқсиз гап йиғиқ гаплардан фарқли равишда, монологик тузилишдаги узлуксиз матн таркибидаги гаплар ичида ҳам қўлланади. Буни инглиз тили мисолларида ҳам кўриш мумкин:

She was news. She was excitement coming into their closed daily existence. The women surrounded her like so many buzzards picking at the bones of a bloodied carcass. She couldn't handle them. Not now. Not yet. (K.Karr)

Ёзувчи олти гапдан иборат бўлган парчада битта *She was news* йиғиқ ва иккита *Not now* ва *Not yet* тўлиқсиз гапларини қўллаган. Бу ерда билдирилаётган фикр аёлнинг ташқи кўринишига тааллуқли. Унга атрофдагиларнинг муносабати ҳақида сўз борар экан, матн охирида келган иккита гап қахрамоннинг феъл-атворида ишора қилиб, бу ҳақида бошқа гапириб ўтиришга ҳожат йўқлигини маълум қилмоқда. – *Not now. Not yet.* Бу бирликлар тўлиқсиз гаплардир.

Кўпчилик тилшунослар қайд этганидек, диалогик нутқда тўлиқсиз гаплар кўп, монологик нутқда эса камроқ қўлланади. Насрий асарларда бу бирликнинг қўлланилиши ўзбек тилига оид илмий ва ўқув адабиётларда қисқа тарзда бўлса-да, берилган, аммо махсус таҳлил этилмаган. Бу масалани алоҳида тадқиқ этиш мақсадга мувофиқдир. Уларнинг назмий асарларда келиши диққатдан четда қолган.

Назмий асарлар билан танишиш уларда йиғиқ ва тўлиқсиз гаплар – насрий асарларга нисбатан анча кўп/кам ишлатилишини кўрсатди. Ўзбекистон қахрамони А.Орипов, халқ шоири М.Юсуф, С.Саййид ва М.Мирзолар, инглиз шоирларидан Е.Allen, А.Taylor, R.Graves, S.Coleridgening айрим ижод намуналари билан танишиш улар матнида йиғиқ гапларнинг тўлиқсиз гаплар деб аталмиш бирликларга нисбатан кўп қўлланилишини кўрсатди ҳамда буни 80/20 фоиз нисбатида белгилаш мумкин.


Йиғиқ ва тўлиқсиз бирликларнинг қўшма гап таркибида қўлланилиши ҳар икки тилда ҳам ўхшаш ва фарқли томонлари борлигини аниқлади. Мисоллардан кўриниб турибдики, қўшма гап таркибида йиғиқ ва тўлиқсиз гапларнинг қўлланилишида куйидаги ҳолат мавжуд:

1. Қўшма гап қисмларида йиғиқ гаплар;
2. Қўшма гап қисмларида тўлиқсиз гаплар;
3. Қўшма гап қисмларида ҳам йиғиқ, ҳам тўлиқсиз гаплар.

Табиийки, бу икки бирликнинг матн ичидаги ўрни шоир ва ёзувчиларнинг коммуникатив интенциясидан келиб чиққан. Инглиз тилидаги матнларда тўлиқсиз гапларнинг кетма-кет қўлланилиши ўзбек тилидаги келишидан камроқ. Умуман олганда, ҳар икки бирликнинг қўшма гаплари таркибида қўлланилишини алоҳида тадқиқ этиш қиёсланаётган тиллар синтаксис тизимининг изоморф ҳолатларини аниқлаш билан биргаликда, уларнинг миллий-маданий хусусиятларини белгилашга имкон туғдиради.

¹ Ўзбек тили грамматикаси. II том. Синтаксис. –Т.: 1976. –Б.197.

[WPm], [WP], [S – P] моделининг матн таркибида келишини куйидаги чизмада кўриш мумкин: (4-чизма)



ХУЛОСА

Тадқиқотимиз жараёнида ўтказилган таҳлиллар бўйича куйидаги хулосаларга келинди:

1. Табиат, жамият ва, хусусан, фандаги ҳар бир ҳосила, ҳодисалар ўзаро ўхшаш ёки фарқли томонларига эга бўлади. Булар турли соҳа, жабҳаларга тегишли бўлса-да, уларда умумийлик ва хусусийлик белгилари мавжуд, чунки дунёдаги барча мавжудот, нарсалар – ҳодисалар кўп қирралидир. Шулар қаторига, чунончи, таҳлил қилинган йиғиқ//ёйиқ//тўлиқсиз гаплар ҳам киради.

2. Йиғиқ, ёйиқ ва тўлиқсиз гапларнинг умумий хусусияти уларнинг ягона бир мақсад атрофида бирлашиши, яъни фикрни ифодаловчи нутқий тафаккур бирлиги вазифасини бажаришидир. Шу билан бирга ушбу birlikлар ўзига хос хусусиятларга эгаки, улар бу уч категориянинг бир-биридан фарқлаш ҳамда алоҳида структуралар сифатида тавсифлаш имконини беради.

3. Йиғиқ гаплар ҳақидаги маълумотлар кўлами нисбатан тор бўлса-да, бу мавзу ўзбек тили дарсликлари, илмий адабиётларида ўз аксини топган. Ўзбек ва инглиз тилларидаги ўқув адабиётларида бу birlikларнинг хусусиятлари баён этилган. Мазкур гуруҳдаги синтактик қурилмалар тўғрисидаги фикрлар қиёсланганида, уларнинг мақоми, функционал хусусиятлари бир хилда тасвирланганлиги кўзга ташланади.

4. Инглиз тилидаги адабиётларда ёйиқ, йиғиқ ва тўлиқсиз каби birlikлар ҳақида фикр борар экан, улар ўзбек тилидаги шу мақомга эга конструкцияларга нисбатан кенгроқ номланиши билан фарқланади. Йиғиқ гаплар инглиз тилида элементар гаплар деб номланиши ва уларнинг кенгайтириш, мураккаблаштириш, бирлаштириш каби қатор жараёнлар натижасида ёйиқ гапга айланиши мисоллар билан кўрсатилди. Тўлиқсиз гапларни эса инглиз олимлари эллипсис ҳодисаси билан бир хил даражада талқин этганлар. Демак, йиғиқ ва тўлиқсиз гаплар моҳияти, таркиби ҳақида фақат ўзбек олимлари эмас, инглиз олимларида ҳам яқдиллик йўқлиги равшан бўлди.

5. Ёйиқ гапларда зарур бўлган бош бўлақлардан ташқари, иккинчи даражали бўлақларнинг фаоллашуви муаллифнинг мулоҳазаларини кенгроқ изоҳлашга имкон

бериши, биргина содда гап воситасида ҳам бир неча фикрларни баён этиши мумкин. Албатта, ёйиқ содда гап таркибида уни кенгайтирувчи бирликларнинг қатнашиши бу ҳолатга замин тайёрлаши гап моделлари орқали кўрсатилди.

6. Ўзбек ва хорижий тиллар грамматикаларида синтактик бирликлар таҳлилида ўхшашликлар мавжуд эканлиги аниқланди. Мустақилликдан кейинги даврдан бошлаб эса, грамматик ҳодисалар талқинида янгича ёндашув авж олиб, улар замонавий методлар тадбиқида ўрганила бошланган.

7. Ҳар икки тилдаги ёйиқ гап таркибида уюшиқ, ажратилган бўлақларнинг қўлланилиши муаммоси алоҳида кўриб чиқилди. Ёйиқ гаплар таркибидаги гап бўлақларининг бирин-кетин тушириб қолдирилиши йиғиқ ва тўлиқсиз гап ҳосил бўлишига олиб келиши фактик материал таҳлили асосида ўрганилди. Субстанциал тилшуносликда содда гапнинг энг кичик қурилиш қолипи ва гап кенгайтирувчилари содда ёйиқ гапни, гап кенгайтирувчиларнинг тушиб қолиши йиғиқ гапни ҳосил қилиши нутқий фаолиятда тежамкорлик тамойили асосида амалга оширилади.

8. Йиғиқ гап $[W^{й}P_m]$ моделига эга бўлиб, унинг содда гапнинг энг кичик қурилиши эканлиги ва шу боис, энг аввал, гап бўлақларининг қатнашиши//қатнашмаслиги, қисқалиги ва аниқлиги билан ёйиқ гапдан фарқлари кўриб чиқилди. Ўзбек формал тилшунослигида йиғиқ гап $[S←P]$ қолипига киритилган, субстанциал тилшуносликда эса $[W^{й}P_m]$ содда гапнинг энг кичик қурилиш қолипи эканлиги эътироф этилган. Шунингдек, сўз-гапларнинг айрим кўриниши ҳам йиғиқ гаплар таснифига киритилган. Таҳлиллар асосида ўзбек тилида содда йиғиқ гаплар уч хил кўринишга эгалиги, инглиз тилида йиғиқ гаплар эса фақат $[E-WP]$ моделига мос келади.

9. Тўлиқсиз гапларнинг ёйиқ ва йиғиқ гаплар билан ўзаро муносабати ҳам қизиқарли масаладир. Тўлиқсиз гап ёйиқ гапга қарама-қарши қўйилиши мумкин. Унинг энг содда кўриниши бир сўздан иборат ва ушбу сўз турли гап бўлақлари вазифасида келиши табиий. Бир сўздан иборат бўлган қурилма гап бўлақларининг қўшилиши билан ёйиқ гапга айланиши $[ТГ→ЁГ]$ мисоллар билан асосланди.

10. Тўлиқсиз гапнинг бирор гап бўлаги шаклида келиши унинг энг кўп қўлланадиган тури эканлиги қайд этилди. Худди шу ҳолат инглиз тилидаги тўлиқсиз гапларда ҳам кузатилди.

11. Ўзбек ва инглиз тилшунослигида қўшма гап ҳодисаси назарияси анча чуқур ва кенг миқёсда ўрганилиб, унинг табиати ва мақомини ёритишга йўналтирилган қатор назарий ғоялар олға сурилган. Қўшма гаплар ва уларнинг ҳосилалари кўп қирралидир. Қўшма гапларнинг типик турлари, уларнинг ўзаро фарқ ва ўхшашликларини белгилаш, бошқа синтактик тузилмалардан фарқли хусусиятларини аниқлаш тилнинг синтактик ва грамматик тизими бирликларининг функционал-семантик ва прагмастик мазмун-моҳиятини тадқиқ этишда муҳим. Йиғиқ ва тўлиқсиз гаплар анъанавий тилшуносликда нисбатан таҳлил қилинган бўлса-да, лекин уларнинг матнда фаоллашувини таъминловчи омиллар ҳали аниқланмаган. Уларнинг дискурсив-прагматик ҳамда матн мазмуни яратилишидаги имкониятлари эса назардан четда қолиб кетмоқда.

12. Йиғиқлик ва ёйиқлик хусусиятларига эга нутқий тузилмаларнинг мақомини белгилаш учун зарур бўлган формал, семантик ва структур мезонлар тўплами шакллантирилди ва ўрганилаётган тузилмаларнинг маълум турларга ажралиши

масаласи кўриб чиқилди. Ўрганилаётган тузилмаларнинг дискурс шароитида, турли мулоқот вазиятларида фаоллашувининг сабаб ва оқибатлари ёритилди. Лисоний воситалар танлови мураккаб ақлий-когнитив ва лисоний фаолият жараёни эканлиги ҳамда бу жараёнда лингвистик ва экстралингвистик омиллар бир хилда иштирок этади.

13. Йиғиқ гаплар таркиби масаласи алоҳида тадқиқ объекти бўлмаган. Ишимизда йиғиқ гаплар формал ва субстанциал йўналишда нисбатан таҳлил этилгани, аммо ҳали унинг таркиби мутлақо тадқиққа тортилмаган. Йиғиқ гап, асосан, бир сўз ёки кўпи билан икки сўздан иборатлиги, уларнинг таркиби ҳар хиллиги ҳар икки тилдаги мисоллар ёрдамида ёритилган. Қиёсланаётган тиллардан ўзбек тилида йиғиқ гаплар эга-кесим ва кесим шаклларида келса, инглиз тилида фақат эга-кесим шаклида қўлланади.

14. Мисоллар таҳлили асосида ёзувчиларнинг мазкур гапларни матн таркибининг турли хилдаги дистрибуцияси ва унинг қайси мақсадда жойлаштирилиши тадқиқ этилди. Ҳар икки тил мисолида йиғиқ гапларнинг матн таркибида берилиши таҳлил қилинганида ўзбек тилидаги матнларда юқоридаги ҳол кўп учраши ва инглиз тилидаги мисолларда эса йиғиқ гап учун бу хилдаги дистрибуция фаол эмаслиги маълум бўлди.

15. Ҳар икки тилда ҳам бу бирликлар поэтик дискурсда кенг ўрин эгаллаган. Бир ёки икки таркибга эга йиғиқ гапларнинг қўлланиш ўрни турлича, яъни шеърнинг бош мисраси ва охири, айрим ҳолларда ўртасида ҳам ишлатилади. Инглиз тилидаги айрим шеърларда еттигача йиғиқ гаплар мавжудлиги, уларнинг кўпи кўшма гап шаклида ва ифода мақсадига кўра ундов гаплар эканлиги аниқ бўлди. Поэтик асарларда таъсирчанликни кучайтириш учун йиғиқ гапларнинг кетма-кет ва такрор ҳолда қўлланилиши кўп учрайди.

16. Йиғиқ гаплар каби тўлиқсиз гапларнинг ҳам қиёсланаётган тилларда насрий ва назмий матн тузишда ўзига хос ўрни бор. Тўлиқсиз гапларнинг таъсирчан, чиройли шакллари кўпроқ ва айримлари ундов, сўроқ гаплар шаклида қўлланган. Инглиз шеърларида таъсирчанликни кучайтириш мақсадида шоирлар тўлиқсиз гапларни ҳам такрор қўллашган. Тўлиқсиз гаплар ҳар икки тилда [S–P] модели асосида ифодаланиб, ўзбек тилидаги тўлиқсиз гаплар эса баъзан [WP] моделида учраши маълум бўлди.

17. Йиғиқ ва тўлиқсиз гапларнинг тадқиқи масаласида яна бир қизиқарли масала уларнинг кўшма гап таркибида келишидир. Бу бирликлар кўшма гаплар таркибида ҳар икки тилда ҳам ҳар хил шаклларда қатнашади. Кўшма гапнинг икки қисми йиғиқ ва тўлиқсиз гаплар шаклда, шунингдек, биринчи қисми йиғиқ, иккинчи қисми тўлиқсиз ва аксинча бўлган конструкциялар ҳам матнларда учраган. Кўп қисмли кўшма гапларда (тенг еки тобе таркибли бўлишидан қатъий назар) ҳам тадқиқ этилаётган бирликлар кўп ишлатилган. Шунингдек, йиғиқ ва тўлиқсиз гаплари мавжуд кўшма гаплар таркибий қисмлари еттига содда гапдан иборат бўлиши ҳолатлари ҳам мавжудлиги, аммо кам учраши мисоллар билан далилланди. Таҳлил жараёнида асосан уч-тўрт қисмли кўшма гаплар учради ва уларнинг бундай қўлланилиши шоир ва ёзувчиларнинг мақсадларини ифодалашда алоҳида мавқега эга.

Табиийки, йиғиқ ва тўлиқсиз гапларнинг насрий ва назмий матнлар, кўшма гап таркибида қўлланилишини келажақда махсус тадқиқот сифатида амалга ошириш мумкин.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2019.Fil.01.10
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ
ПРИ НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКИСТАНА**

НАЦИОНАЛЬНЫЙ УНИВЕРСИТЕТ УЗБЕКИСТАНА

САДУЛЛАЕВА НИЛУФАР АЗИМОВНА

**НЕРАСПРОСТРАНЁННЫЕ И РАСПРОСТРАНЁННЫЕ
СИНТАКСИЧЕСКИЕ ЯВЛЕНИЯ В УЗБЕКСКОМ И
АНГЛИЙСКОМ ЯЗЫКАХ**

**10.00.06 – Сравнительное литературоведение, сопоставительное языкознание и
переводоведение
(филологические науки)**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА
ФИЛОЛОГИЧЕСКИХ НАУК (DSc)**

Ташкент - 2020

Тема диссертации доктора наук (DSc) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за B2017.1.DSc/Fil44

Докторская диссертация выполнена в Национальном университете Узбекистана

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (<https://www.nuu.uz>) и на информационно-образовательного портала "Ziyonet" (www.ziyonet.uz)

Научный консультант: **Сайфуллаева Раъно Рауфовна**
доктор филологических наук, профессор

Официальные оппоненты: **Сафаров Шахриёр Сафарович**
доктор филологических наук, профессор

Менглиев Бахтиёр Раджабович
доктор филологических наук, профессор

Айнур Оз Озжан
доктор филологических наук, профессор университета
Анкара

Ведущая организация: **Бухарский государственный университет**

Защита диссертации состоится «__» _____ 20__ года в __ часов на заседании Научного совета DSc.03/30.12.2019.Fil.01.10 при Национальном университете Узбекистана. (Адрес: 100174, г. Ташкент, Студенческий городок, улица Университетская, 4, тел. : +998 71 246-02-24; +998 71 246-54-17; e-mail: devonxona@nuu.uz)

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Национального университета Узбекистана (зарегистрирован за №__). Адрес: Ташкент, Студенческий городок, улица Университетская, 4, тел.: +998 71 246-02-24;

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2020 года.

(Протокол рассылки за №__ от «__» _____ 2020 г.).

А.Г. Шереметьева
Председатель Научного совета по
присуждению ученых степеней,
д.филол.н., профессор

Г.С.Курбонова
Ученый секретарь Научного совета по
присуждению ученых степеней, доктор
философии (PhD) по филологическим
наукам

И.А.Сиддикова
Председатель научного семинара при
Научном совете по присуждению
ученых степеней д.филол.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской диссертации (DSc))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В настоящее время мировая лингвистика развивается в направлении исследований, посвящённых изучению взаимосвязей человека и языка. Исследование ряда признанных важными в мировом языкознании проблем, среди которых связь между языком и обществом, возникновение, развитие и использование языка, социальная дифференциация, возникающая в языке вследствие разделённости общества на различные классы и группы, творческие задачи языка, их развитие и расширение, отличаются своей актуальностью. За последние годы, в результате глубоких теоретических исследований родного языка и его сравнительного сопоставления с иностранными языками, появилась возможность выявить их различия и сходства, что, в свою очередь, даёт положительный результат в решении проблем перевода.

В мировой лингвистике проводятся фундаментальные исследования по изучению языков. Несомненно, то, что наряду с исследованием языков на основе современных лингвистических направлений их изучение при помощи формальных и системно-структуральных методов всегда приводит к результатам, имеющим как теоретическое, так и практическое значение. В результате, естественные языки моделируются для искусственного интеллекта, создавая языковые корпуса. В настоящее время придаётся большое значение преподаванию иностранных языков. Вместе с тем, статус родного языка был особо подчеркнут нашим уважаемым Президентом Шавкатом Мирзиёвым: “Пусть наша молодежь обязательно изучает другие языки, но вначале окажет должное уважение своему родному языку. Ибо преданность родному языку – качество настоящего патриота”¹.

В настоящее время в мировом и узбекском языкознании исследование вопросов синтаксиса предложения признано одной из наиболее важных проблем. В последние годы в результате глубоких исследований нашего национального языка, изучения его в сопоставлении с иностранными языками появилась возможность обнаружить и проанализировать их сходные и отличительные стороны, и в процессе перевода внимание уделяется продуктивному, верному и эффективному изложению мыслей. В частности, исследования распространенных и нераспространенных предложений в одном из сопоставляемых языков проводились и освещены больше, в другом - меньше. В нашей работе раскрыты своеобразные разновидности данных двух единиц, их взаимосвязь и связь с другими явлениями. Показано наличие неточностей в принятом в узбекском языке и применяемом по сей день определении неполного предложения. Английские ученые приравнивают данное явление к эллипсису и обосновывают данное утверждение, однако,

¹ Выступление Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева на торжественном собрании, посвященном 30-летию придания узбекскому языку статуса государственного языка. <https://pv.uz/ru/news/-vystuplenie-prezidenta-respubliki-uzbekistan-shavkata-mirzиеeva-na-torzhestvennom-sobranii-posvjashchennom-30-letiju-pridaniya-uzbekskomu-jazyku-statusa-gosudarstvennogo-jazyka>

верное понимание сущности данной формы до сих пор не представлено. Такое же состояние наблюдается и в узбекской лингвистике.

Данная диссертация в определенной степени служит выполнению задач, намеченных в Указе Президента Республики Узбекистан № УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», в постановлении Президента Республики Узбекистан № ПП-2909 от 20 апреля 2017 года «О мерах по дальнейшему развитию системы высшего образования», в постановлении Президента Республики Узбекистан № ПП-3755 от 5 июня 2018 года «О дополнительных мерах по повышению качества образования в высших образовательных учреждениях и обеспечению их активного участия в осуществляемых в стране широкомасштабных реформах», в постановлении Президента Республики Узбекистан № ПП-4358 от 17 июня 2019 года «О мерах по коренному совершенствованию системы подготовки востребованных квалифицированных кадров и развитию научного потенциала в Национальном университете Узбекистана имени Мирзо Улугбека в 2019 – 2023 годах», а также в других нормативно-правовых документах, касающихся данной деятельности.

Соответствие исследования приоритетным направлениям науки и технологии республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий Республики Узбекистан: 1. «Формирование системы инновационных идей и пути их реализации по социальному, правовому, экономическому, культурному, духовно-просветительскому развитию информационного общества и демократического государства».

Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации.¹

Научные исследования, касательно явления эллипсиса в английском языке, его структурно-функциональных типов, изучения его в сопоставлении с другими языками проводятся в ведущих научных центрах и высших образовательных учреждениях по всему миру, в том числе в таких учреждениях как Oxford University (Великобритания), Cambridge University (Великобритания), University of London (Великобритания), Newcastle University (Великобритания), Essex University (Великобритания), University of California (США), Гуманитарный университет (Россия), Ростовский институт иностранных языков (Россия), Башкирский государственный университет (Россия), Московский государственный университет (Россия), Московский государственный лингвистический университет (Россия), Таджикский государственный педагогический университет (Таджикистан), Таджикский государственный университет (Таджикистан), а также Национальный

¹ Обзор представлен на основе информации, представленной на веб сайтах университетов: www.ox.ac.uk, www.cam.ac.uk, www.london.ac.uk, www.ncl.ac.uk, www.essex.ac.uk, www.cui.edu, www.rostov.uceba.ru, www.gu-ural.ru, www.bashedu.ru, www.msu.ru, www.linguanet.ru, www.elsu.ru, www.utoronto.ca, <http://en.uw.edu.pl>, www.uni-hamburg.de, www.montclair.edu, www.slaviclinguistics.org, www.combeyond.bu.edu.

университет Узбекистана, Узбекский Государственный университет мировых языков, Самаркандский государственный институт иностранных языков.

Проблемы, связанные с изучаемым в сопоставлении синтаксисом разносистемных языков, в том числе исследования, посвященные видам простых и сложных предложений, их свойствам и классификациям, проводятся в таких научных центрах и высших образовательных учреждениях как University of Toronto (Канада), University of Warsaw (Польша), University of Hamburg (Германия), Montclair State University (США), Centre for General Linguistics Typology and Universals Research (Великобритания), Boston University (Великобритания), Lancaster university (Великобритания), George Washington University (США), Национальный университет Узбекистана, Узбекский Государственный университет мировых языков, Самаркандский государственный институт иностранных языков, Самаркандский государственный университет и Бухарский государственный университет.

Степень изученности проблемы. Многие зарубежные лингвисты обращались к проблеме неполных предложений (эллипсиса) – Ш.Балли, Ж.Дамурет и Е.Пишон, А.Фрей, Р.Ле Бидуа, Ж.О.Рис, М.Фишер и Ж.Акар, М.Гревисс, А.Гус, Е.Д.Андреева, А.П.Сковородников, И.Ф.Вардуль, Л.И.Илия, Е.Н.Старикова, Е.И.Шендельс, А.С.Дари, К.И.Баймухаметова, О.И.Реунова.¹ Исследования простых предложений, в том числе нераспространенных и неполных предложений, встречаются в работах таких ученых как К.Н.Качалова, И.Р.Крылова, Е.М.Гордон, Ж.Буранов, У.Хошимов, В.Н.Жигадло, И.П.Иванова, Л.Л.Иофик, М.А.Беляева, В.Г.Вилюман, М.Я.Блох, В.Л.Каушанская, Z.S.Harris, Б.А.Ильиш, В.А.Кобрина, А.И.Смирницкий, И.В.Арнольд, И.Р.Гальперин, Н.А.Слюсарева, А.Г.Руднев, А.Н.Гвоздев, В.Т.Гневко, Е.А.Cross, D.Davies, G.Leech, J.Svartvik, R.Huddleston, P.A.Lowth, L.A.Lyurme, M.Hewings, P.H.Matthews, R.Murphy va R.L.Trask, Э.Сепир², А.Г.Гулямов, Г.Абдурахмонов, А.Г.Руднев, А.Бабаева, У.К.Юсупов, В.Т.Гневко, Ф.С.Убаева, Х.Г.Нигматов, И.К.Мирзаев, Р.Расулов, Р.Р.Сайфуллаева, Б.Р.Менглиев, М.К.Абузалова, М.М.Курбонова, Л.Р.Раупова, Б.Ёров³.

¹ Шендельс Е.И. Имплицитность в грамматике. Труды МГПИИЯ им. М. Тореца, 1977; Дари А.С. Импликация, эллипсис и другие смежные явления. -Кишинев: Штиинца, 1986.-63 с.; Баймухаметова К.И. Структурно-семантические и прагматические характеристики эллипсиса во французском языке: Автореф. дис...канд.филол.наук. -Москва, 1997; Реунова О.И. Эллипсис как лингвистическое явление. -Пятигорск, 2000; Качалова К.Н., Израилевич Е.Е. Практическая грамматика английского языка. -Киев: 2003. -363с.

² Humboldt W. On Language: On the Diversity of Human Language Construction and its Influence on the Mental Development of the Human Species / Losonsky M. Ed. – Cambridge, UK: Cambridge University Press, 1999; Жигадло В.Н., Иванова И.П., Иофик Д.Л. Современный английский язык. Теоретический курс грамматики. –М.: Изд. Лит. на иностр. яз., 1956; Harris Z.S. String Analysis of Sentence Structure. –М.: 1962; Бўронов Ж., Хошимов Ў. Инглиз тили грамматикаси. – Т.: Ўқитувчи, 1974; Беляева М.А. Грамматика английского языка. -М.: Высшая школа, 1971; Вилюман В.Г. Английский язык. Изд.2. – Л.: Просвещение, 1972; Крылова И.П., Гордон Е.М. Грамматика современного английского языка. 2003; Блох М. Я. Теоретическая грамматика английского языка. – М.: Высшая школа, 1983; Krylova I.P., Gordon E.M. A Grammar of Present-day English, -М.: “Университет”. 2000; Блох М.Я. Теоретическая основа грамматики. –М.: «Высшая школа», 2002; Юсупов У.К. Теоретические основы сопоставительной лингвистики. –Т.: Фан, 2007; Качалова К.Н., Израилевич Е.Е. Практическая грамматика английского языка. – Бишкек: изд. “Туркестан”, 2000.

³Фулумов А., Маъруфов З., Шермухамедов Т. Ўзбек тили грамматикаси. 2-қисм. Синтаксис. –Т.: Ўқувпедадавнашр, 1948; Курбонова М.М. Ўзбек тилшунослигида формал-функционал йўналиш ва содда гап

Соответствие исследования плану научно-исследовательских работ научно-исследовательского учреждения, где выполнена диссертация. Диссертация выполнена в соответствии с планом научных исследований Национального университета Узбекистана в рамках научного проекта по теме “Лингвистические и типологические особенности разносистемных языков”.

Цель исследования заключается в определении семантико-структурных особенностей распространенных и нераспространенных явлений в узбекском и английском языках, их соотношение с другими лингвистическими явлениями, их отличительных свойств, места в дискурсе и их статуса в выражении интенции автора.

Задачи исследования:

описать распространенные и нераспространенные синтаксические явления в разносистемных языках в качестве общелингвистических явлений;

выявить семантико-структурные и функциональные особенности распространенных и нераспространенных синтаксических явлений;

обозначить общие и отличительные особенности нераспространенных и неполных предложений в узбекском и английском языках;

определить статус распространенных и нераспространенных предложений относительно текстовых категорий и обеспечения их непрерывности в публицистическом и художественном дискурсе;

обозначить потенциал средств выражения нераспространенных и неполных предложений и обосновать их отличительные черты;

выделить стилистические особенности использования нераспространенных и неполных предложений в прозаических произведениях;

показать повторяемость, экспрессивность и последовательность неполных и нераспространенных предложений, встречающиеся в поэтических произведениях.

Объект исследования составляют распространенные и нераспространенные синтаксические формы, описанные в работах узбекских (А.Г.Гулямов, Г.Абдурахмонов, А.Г.Руднев, А.Бабаева, Р.Р.Сайфуллаева, М.К.Абузалова) и зарубежных (О.И.Реунова, К.Н.Качалова, Ж.Буранов, Н.Жигадло, И.П.Иванова, Л.Л.Июфик, М.А.Беляева, В.Г.Вилюман, М.Я.Блох, В.Л.Каушанская, Z.S.Harris, Б.А.Ильиш, В.А.Кобрина) лингвистов.

Предмет исследования составляют семантико-структурные, стилистические и функциональные особенности нераспространенных и неполных предложений в узбекском и английском языках.

қурилишининг талқини. Филол. фанлари доктори ...дисс. –Т.: 2001; Фуломов А. Содда гап. –Т.: ЎзФА, 1955; Абдурахмонов Ғ. Ўзбек тили грамматикаси. 1996; Руднев А.Г. Синтаксис простого предложения. –М. 1960; Раупова Л. Диалогик дискурсадаги полипредикатив бирликларнинг сопиопрагматик тадқиқи: филол.фанлари доктори...дисс.автореф. –Т.: 2012; Бобоева А. Ҳозирги ўзбек адабий тилида тўлиқсиз гаплар. –Т.: Фан. 1978; Гневко В.Т., Кравченко З.Ф., Хмелевская Е.С. Современный русский язык. Односоставные предложения. Слова-предложения. Неполные предложения. Простое ослоненное предложение. –Минск: 1975; Юсупов Ў.К. Инглиз грамматикасидан универсал қўлланма. –Т.: 2011; Убаева Ф.С. Ҳозирги замон ўзбек адабий тилида гапнинг уюшиқ бош бўлақлари. Филол. фанлари номзоди ...дисс. – Самарқанд: 1959; Қурбонова М.М., Сайфуллаева Р. Ўзбек тилининг структурал синтаксиси. 2004; Сайфуллаева Р., Менглиев Б. ва б. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Синтаксис. –Т.: ЎзМУ, 2006.

Методы исследования. В диссертации использованы сопоставительный, классификационный, описательный, сравнительный методы, а также методы дифференциально-семантического и компонентного анализа.

Научная новизна исследования.

нераспространенные и распространенные синтаксические явления описаны как общие лингвистические явления в разносистемных языках;

сопоставлена субстанциальная сущность нераспространенных, распространенных и неполных единиц в узбекском и английском языках;

выявлены семантико-структурные особенности распространенности и нераспространенности в сопоставляемых языках, с точки зрения их отношения к семантическим категориям, их структуры и лингвистической формы предложения; доказано, что нераспространённое предложение является лингвистическим явлением, а неполное предложение – языковым процессом, возникающим вследствие индивидуального употребления;

доказано сходство структурных свойств нераспространённых и неполных единиц, с позиции их строения, функции в предложении, а также их выражения с помощью разных частей речи;

выявлено различие лингвистических форм нераспространённых и неполных предложений в традиционном и субстанциальном языкознании на основе узбекских примеров прозы и поэзии;

